

# **МЕРОС ИЛМИДАН ДАРСЛАР**

**Мусанниф:**

**Хомидов Муҳаммадайюб**

**Тошкент  
2017**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## МУҚАДДИМА

الحمد لله القائل حكم كتابه - إنا نحن نرت الأرض و من عليها وإلينا يرجعون - والصلة  
والسلام على السراج المنير سيدنا محمد وعلى آله وصحابته والتابعين لهم بإحسان إلى يوم الدين.

Маълумки, шаръий илм илмларнинг энг афзали ва улуғидир. Диний аҳкомлар ва шариат асосларини чуқур ўргатувчи фикҳ илми эса шаръий илмлар сирасида энг аҳамиятлиси ва шарафлисиدير. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам:

" من يرد الله به خيراً يفقهه في الدين ..... "

яъни: «*Кимга Аллоҳ хайриятни ирода қилса уни динда фақих қилиб қўяди*», деб марҳамат қилганлар.

(Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Фикҳнинг ажralmas қисми бўлган фароиз-мерос илми шаръий илмлар орасидаги қадри улуғ, шараф олий илмдир. Зеро, Аллоҳ таоло мерос тақсимлаш хуқуқини ўзига яқин фариштага ёки элчи қилиб юборилган пайғамбарга бермади, балки бевосита Ўзи Қуръони каримда мерос тақсимотини баён қилиб берди.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам фароиз илмининг фазли ҳақида шундай марҳамат қиладилар:

عن أبي الزناد عن الأعرج قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم ثم يا أبا هريرة تعلموا الفرائض وعلموه فإنه نصف العلم وإنه ينسى وهو أول ما ينزع من أمري.

«Эй Абу Ҳурайра! Фароизни ўрганиб, уни ўргатинглар, зеро у илмнинг ярмидир. Ва у менинг умматимда биринчи бўлиб унумтиладиган ва биринчи бўлиб олинадиган нарсадир» (ибн Можжа, Дарқутний ва Ҳоким ривояти)

Суфён ибн Уйайна ҳадисдаги «Фароиз илмнинг ярмидир» деган иборани, «барча кишилар бу билан имтиҳон қилингани учун шундай дейилган» деб шарҳ қилганлар.

Имом Молик Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтадилар:

"من لم يتعلم الفرائض والطلاق والحج فبم يفضل أهل البدية"

«Фароиз, талоқ ва ҳажни (ҳукмларини) ўрганмаган киши сахро ахлидан нимаси билан фарқ қиласди?!» Яъни, саводсизликда сахродаги илмдан бехабар омий кишидан унинг фарқи йўқ.

Саҳобий ва тобеинлар фароиз илминингн фазли, аҳамиятини англаб етганларидан уни ўрганиш ва татбиқ қилишга беҳад эътибор қаратар эдилар. Саҳобий ва тобеинлар даврида фароиз Қуръон, суннат ва хулофои рошидинлар ижтиҳодлари асосида ташкил топган эди. Уларнинг давридан кейин бу илмга аҳамият бироз озайди. Лекин мазкур илм ҳақидаги китоблар таълифи ривожлани хижратнинг III-асрига тўғри келади.

Маълумки, фиқҳий масалалар орасида энг ихтилофи оз бўлгани ва барча масалалари иттифоқ қилингани фароиз илмидир. Зеро, фароиз ҳукмлари асосан Қуръони карим ва унинг баёни ҳисобланган пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида белгилаб берилган. Ислом шариатида меросга бу даражада эътибор қаратилишининг сабаби, мерос молу мулкга эга бўлишнинг асосий муҳим сабабларидан биридир. Молу мулк эса шахсга ҳам, жамиятга ҳам нисбатан ҳаётнинг асос ва устунидир. Тирик жон борки, бир куни вақтсоати битиб, унинг бошига ўлим келади. Ворислар орасида, мерос моли сабабли адовату жанжалга йўл қўймасликнинг ягона йўли йўқдан бор қилган, бандаларнинг аҳволидан хабардор бўлган Зотнинг кўрсатмалари асосида тақсимот юритишдан иборатдир.

Қизил империя замонида мусулмон миллатимизни Исломдан, унинг ҳукмларидан узоқлаштиришга уринилди. Натижада, ўз динидан бехабар на динни ва на урф-одатларни тушунмайдиган, англаб етмайдиган насл вужудга келди.

Аллоҳга беадад шукрки, мустақиллик сабаби ила бизни бу диний бесаводликдан қутқариб, миллатимизга ўз динини қайтариб берди. Ана шу мустақиллик шарофати билан диёrimиздаги ислом ўқув юртларида диний билимларни чуқур ўргатиш ва ўрганиш имкони кенгайди.

Биз ҳам барча мусулмонлар, хусусан ислом билим юртларидаги талabalар ўрганиши қулай бўлиши учун қадимдан диёrimизда истеъмолда бўлган китоблардан, шунингдек ҳозирги замон ислом олимлари тарафидан ёзилган фароизга доир китоблардан фойдаланиб, фароиздан

маърузалар матнини жамладик, иложи борича мухтасар тарзда баён қилишга ҳаракат қилдик.

Аллоҳ таолодан бу ҳаракатни Ўзининг розилиги учун қилинган ишлардан айлашини сўраймиз. Тўғри ифода қилган бўлсак, бу Аллоҳнинг тавфиқи ва фазлидандир. Ишимизда хато-камчилик содир бўлган бўлса, биздан ва шайтондандир. Шу ўринда қози Абдураҳим ибн Алий Бийсоний Имом Исфаҳонийга ёзган хатларидан қуйидаги жумлаларни келтиришни жоиз деб топдик: «Мен қўрдимки, бирон китоб ёзган инсон эртасига ёки ундан кейинроқ «Бу жойи ўзгартирилса яхши бўларкан, бу жойига зиёда қилинса чиройли бўларди, бунисини олдинроқ келтирилса афзал бўларди, мана бу жойини ташланганда гўзал бўларди» деб айтади. Шунинг ўзи барча башариятдан нуқсон содир бўлишига далил ва буюк ибратдир».

*Ҳомидов Муҳаммадайюб.*

*14 апрел, 2003 й. милодий*

*12 Сафар, 1424 й. ҳижрий.*

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أُولَى بِعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ (أنفال - 75)

«Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирлариға (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиидир. (Anfol surasi, 75-оят)

تعلموا الفرائض وعلموها الناس فإني امرؤ مقبوض وإن العلم سيقبض وتظهر الفتن حتى يختلف الإثنان في الفريضة فلا يجدان من يفصل بينهما.

яъни, *Пайғамбар саллаллоҳу алаіҳи васаллам айтдилар:* «Фароизни ўрганинглар, уни одамларга ўргатинглар, зеро мен жони олинувчи кишииман. Бу илм ҳам яъни, мерос илми) яқинда қабз қилинади (кишилар орасидан кўтарилади) ва фитналар намоён бўлади. Ҳатто бир мерос ҳақида икки киши ихтилоф қилиб, ўрталарида ҳукм чиқариб берувчини тополмайдилар».

(Аҳмад, Насайй ва Термизий ривояти)

## 1-БОБ

### МЕРОС ИЛМИГА КИРИШ

1. Мавзу: Мерос илмининг таърифи, мақсад ва тушунчалари.

- а) Мерос сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари.
- б) Мерос илми ҳақида ёзилган асарлар ва муаллифлари.
- в) Мерос илмини ўрганишдан кўзланган мақсад.

#### **а) Мерос сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари**

Араб тилида бир сўз бир нечта маънода қўлланилади. Мерос сўзи ҳам луғатда ва истилоҳда бир қанча маъноларни ифода қиласди. Мерос сўзи میراثا - ورث - سُرْث сўзидан олинган бўлиб, маънавий ёки молиявий ҳақга эга бўлиш маъносидадир. Меросга «Ал-мўъжамул васит» да «ўлганидан сўнг моли унга ўтди» деб маъно берилган. Меросни луғавий маъносини умумийроқ қилиб баён қиласиган бўлсак, бу бирон нарсани бир шахсдан бошқасига ёки бир қавмдан бошқа бир қавмга ўтишидир. Бу маънога кўра «Мерос» мол, илм, улуғлик ва шарафни ўз ичига олади. Қуръони каримда ҳам мерос калимаси бир нечта ўринларда зикр қилинган.

وَرَثَ سُلَيْمَانُ دَاؤُودَ.... ﴿١﴾

«Сулаймон Довудга ворис бўлди». (Намл» сураси, 16-оят)

Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ҳам ҳадисда шундай марҳамат қиладилар:

إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ النَّبِيِّ إِنَّ النَّبِيِّاَ لَمْ يُرْثُوا دِينَارًا وَلَا درَهْمًا إِنَّمَا وَرَثُوا الْعِلْمَ فَمَنْ أَخْذَ بِهِ أَخْذٌ  
بِحَظْ وَافِرٍ.

яъни: «Олимлар пайғамбарларнинг ворислари дидир. Пайғамбарлар дирҳаму динор тиллаю кумушуни мерос қолдирмадилар. Улар илмни мерос қолдирғанлар, ким уни (илмни) олса улуг насибага эришибди (Бухорий ривояти).

### **Мерос сўзининг истилоҳий маъноси**

Мероснинг шаръий истилоҳдаги маъноси қўйидагичадир:

Марҳумнинг барча молу мулки тирик ворисларига ўтишидир. Бунда мерос мол, кўчмас мулк ёки шаръий ҳақлардан бири бўлиши мумкин.

“Мерос” илми деб ҳар бир вориснинг тарикадан оладиган мерос улушкини белгилаб берувчи ҳисоб-китоб ва фикҳий масалалардан иборат қоидалар тўпламига айтилади.

Мерос илмини Фароиз илми деб ҳам аталади. Фароиз илми деб номланишига сабаб, Аллоҳ таоло Қуръони каримда мерос ҳукмларини баён қилиб:

﴿فَرِيضَةٌ مِّنَ اللَّهِ...﴾ (النساء-11)

яъни, “Бу тақсим Аллоҳ таолодан фарз килингандир”, деб марҳамат килганидир.

فريضه سўзининг кўплиги فرائض бўлиб луғатда бир нечта маъноларда келади бурч, вазифа, улуш, кесмоқ, ўлчамоқ, туширмоқ, очик баён қилиб бермоқ ва белгилаб қўйилган фарз улуши каби маъноларда келади. Шаръий истилоҳда эса, мерос оладиган ва олмайдиган кишилар, шунингдек, мерос оловчиларнинг мерос миқдорини билдирувчи илмни фароиз деб аталади.

## **Мерос илми борасида ёзилган асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот**

Айтиб ўтганимиздек, мерос илми Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида алоҳида илм бўлмасдан, асосан тафсир, ҳадис ва пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам баён қилиб берган фиқҳий масалалар ичидаги бир қисм ҳисобланар эди. Кейинроқ саҳобаи киромлар орасидан айримлари бу илм соҳасида устозлик даражасига етиб, моҳир фароиз билимдонларига айландилар. Чаҳорёrlар ва Зайд ибн Собит асосан бу илмнинг устозлари ҳисобланар эдилар. Булардан бошқа саҳобалар ҳам мерос илмида машҳур бўлиб, уларнинг бу бобда ўзларига хос ижтиҳодлари мавжудки, уларнинг айримларини ўз ўринларида зикр қилиб ўтамиз. Саҳобалар даврида мерос ҳақида китоб таълиф қилинмаган.

Мерос илми ҳақида илк китоб таълиф этилиши тобеинлар даврига тўғри келади. Тобеинлардан биринчи бўлиб Абу Бакр Айюб ибн Абу Тамима Сижистоний (131 ҳижрий йилда вафот

қилган) «Фароиз Айюб ал-Басрий» номли китобларини таълиф қилдилар. Аксарият уламолар томонидан бу асар фароиз ҳақида ёзилган илк китоб деб эътироф этилган.

Айюб Сижистонийдан сўнг китоб таълиф этиш анча ривожланди ва мерос илми ҳақида жуда кўп асарлар яратилди. Биз улардан машҳурларини келтириб ўтамиз:

1. *«Ал-Фароиз ат-Таҳовия»* - бу асарнинг муаллифи Абу Жаъфар Аҳмад ибн Мухаммад ал-Мисрий ал-Ҳанафий бўлиб, 321 ҳижрий йилда вафот қилганлар. Таҳовийнинг «Маонил-осор» ва «Мушкилул-осор» китоблари машҳурдир.

2. *«Фароиз ибн Абдул Barr»* - муаллифи Юсуф ибн Абдуллоҳ ал-Қуртубий ал-Моликий бўлиб, 463 ҳижрий йилда вафот қилганлар. Бу зот Моликий мазҳабининг буюк имоми ва олимларидан бўлиб, «ат-Тамҳид» ва «ал-Истизкор» каби асарлари машҳурдир.

3. *«Фароиз»* - муаллифи *Абу Наср ал-Марвазий..* Муаллиф ўз китоби ҳақида: «Фароиз ҳақида китобимиз минг сахифадан ошади» деган.

4. *«Фароиз Абур-Рашид»* - муаллифи *Мубашишир ибн Аҳмад ибн Алий ибн Аҳмад ар-Розий аш-Шофеий.* 589 ҳижрий йилда вафот қилган.

5. *«Фароиз ибн Лаббон»* - *Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мисрий,* 402 ҳижрий йилда вафот қилганлар.

6. *«Фароиз Абу Наср»* - *Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Алий ал-Бағдодий, ал-Ҳанафий.* Бу китоб ҳанафий мазҳабида ёзилган фароиз китобларининг комилроқларидан бўлиб, муаллиф унда фароиз усулларини зикр қилган.

7. «*Фароиз ат-Темиртоший*» - Захириддин Аҳмад ибн Исмоил Темиртоший Хоразмий Ҳанафий (744 ҳижрий йилда вафот этганлар).

8. «*Ал-Фароиз ал-Ашнаҳия*» - Абул Фазл Абдулазиз ибн Алий ал-Ашнаҳий Шофеий, 550 ҳижрий йилда вафот қилганлар.

9. «*Ал-Фароиз ал-Жаъдия*» - Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Алий Саҳалий Моликий.

10. «*Фароиз ал-Ҳавафий*» - Фақих Абул Қосим Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳалаф Шиблий, 580 ҳижрий йилда вафот этганлар.

11. «*Ал-Фароиз ар-Раҳабийя*» - Муваффакуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ар-Раҳабий. 577 ҳижрий йилда вафот этган. Бу асар назм услубида ёзилган бўлиб, унга юзлаб шарҳлар битилган.

12. «*Фароиз Тош Кўпризода*» - Аҳмад ибн Мустафо. 968 ҳижрий йилда вафот қилганлар.

13. «*Фароиз ал-Усмоний*» - Бурҳонуддин Абул Ҳасан Алий ибн Абул Ҳасан Алий ибн Абу Бакр ал-Маргиноний. («Ал-Ҳидоя»нинг соҳиби) 593 ҳ.й. вафот этганлар.

Биз юқорида зикр қилиб ўтган китоблар бу бобда ёзилган минглаб китобларнинг бир қисми гинаидир холос.

Бу ўринда мазҳабимизда истеъмолда бўлган ҳозиргача ўрганиладиган, хусусан диёrimизда қадимдан фароиз бўйича асосий ўқув дастури вазифасини бажариб келган «Сирожия» номли китоб ва унинг муаллифи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Муаллифнинг тўлиқ исми Сирожиддин

Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандийдур. Китоб «Ал-Фароиз ас-Сирожия» деб номланади.

Мазкур асарга жуда күп шарх, таълиқот ва изоҳлар ёзилганки, бошқа бирон фароиз ҳақидаги китобга бунчалик эътибор қаратилған әмас. «Сирожия» га ёзилған шарҳлар орасыда машҳури ва одамлар орасыда күп қўлма-қўл бўлгани аллома Сайид Шариф Алий ибн Мұхаммад Журжонийнинг «Ал-Фароиз аш-Шарифийя» номли китобидир. Бу шарҳга ҳам жуда кўп ҳошия ва таълиқотлар ёзилған. Сайид Шариф бу асарини 804 ҳижрий йилда Самарқандда ёзиб тугатган.

Шунингдек, кўпгина олимлар «Сирожия»ни назм услубида баён қилған бўлиб, улардан Маҳмуд ибн Аҳмад Лорандийнинг «Иршодур-рожий ли маърифати фароиз ас-Сирожий» номли назмий китоби машҳурдир. «Сирожия»нинг ҳадисларини аллома Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо санад ва ровийларини илмий таҳқиқ қилған.

## **МЕРОС ИЛМИНИ ЎРГАНИШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД**

Ислом шариатида мерос тақсимоти Аллоҳ таолонинг ўзи тарафидан белгилаб берилған энг адолатли ва мукаммал тарзда тартибга солинган.

Маълумки, Қуръони каримда зикр қилинған аксарият хукмлар Қуръон услугига муносиб тарзда мужмал ва қисқа ибораларда зикр қилинған. Кейин суннати набавийя уни батафсил шархлаб берган. Масалан, Исломнинг иккинчи руқни ҳисобланған намозни олайлик. Қуръони каримда:

﴿... وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ...﴾ (البقرة-43)

## «Намозни барпо қилинглар»

ёки

﴿... إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا﴾ (النساء-103)

**«Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз этиб) битилгандир»** деб, қисқа тарзда буюрилган. Қуръон оятларида намознинг кайфияти, қандай адо этилиши, ракаатларининг миқдори, бир кунда неча вақт адо этилиши ёки адо қилиш вақтлари ҳақида умуман маълумот йўқ. Намознинг бу жиҳатларини пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларида кўрсатиб берганлар. Шунингдек, закот, рўза, ҳаж ва бошқа ибодат ва муомалотлар Қуръони каримда мужмал баён қилиниб, кейин суннатда унинг батафсил шарҳи келган. Аммо, мерос ва унга доир ҳукмларни Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръони каримда мукаммал ва муфассал тарзда баён қилиб берган. Яна мерос каби батафсил зикри келган бошқа ҳукм йўқ. Ҳар бир ворис улуши, даражаси, шунингдек меросга оид бошқа ҳукмлар мерос оятларида аниқ-равshan, шарху тафсилоти билан зикр қилинган. Аллоҳ таоло мерос масалаларини бу қадар мукаммал ва муфассал суратда баён қилиши, мерос илмининг аҳамияти, мусулмон жамиятда унинг муҳим ўрни борлигига далолатдир. Меросга бу даражада аҳамият берилишининг яна бир сабаби, мерос мол-мулкка эга бўлишнинг энг асосий сабабларидан биридир.

Маълумки, мол-мулк шахс ва жамият ҳаётиниң асосларидан биридир. Зеро, мол-мулк билан башарият ҳаёти давом этади ва мустаҳкамланади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин) ривоят қилган ҳадисда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам мерос илмини фазли ва аҳамияти ҳақида шундай марҳамат қиласидилар:

عن رسول الله صلى الله عليه وسلم ، قال: العلم ثلاثة فما سوى ذلك فهو فضل آية محبة أو  
سنة قائمة أو فريضة عادلة

яъни: «Илм учтадир. Ундан бошқалари фазлдир: 1. Муҳкам оят 2. Қоим суннат 3. Адолатли фариза (Абу Довуд, ибн Можа ва Доримиий ривояти).

Имом Хаттобий ҳадисдаги «Адолатли фариза»дан мурод, ворислар орасида китоб ва суннатга мувофиқ ҳолда, адолатли тарзда мерос тақсимлаш илми деб айтганлар.

Бу ва бошқа далиллар фароиз илмини ўрганишни нечоғли зарур эканини билдиради. Айниқса, аёллар меросдан маҳрум қилинаётган, бошқаларида эса кишилар ўзини ҳавою нафсиға кўра мерос тақсимлаётган вақтда ҳозирги айrim жамиятларда Ислом шариатининг меросга оид адолатли хукмларига эҳтиёж зиёда бўлиб бормоқда.

Биз мусулмонлар мерос илмини аввало илоҳий амр, деб ўрганамиз, қолаверса уни меросга доир муаммоларимизни ечишда асос ва илоҳий кўрсатма деб биламиз.

Мерос илми бир ҳадисда таъкидланганидек, «илмнинг ярмидир». Аллоҳ таоло «Нисо»сурасининг 11-12 оятларида

мерос ҳукмларини баён қилиб бўлгач, шундай марҳамат қиласди:

﴿ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلُهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ (13) وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودُهُ يُدْخِلُهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُّهِينٌ (النساء - 14) ﴾

Маъноси: «Мана шу Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳадлариидир. Ким Аллоҳ ва унинг Пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий ҳаёт бахш этади. Ва бу катта зафардир. 13) Ким Аллоҳ ва унинг Пайғамбарига итоатсизлик қилиб, Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш дўзахга киритур ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир (14).

### *Мавзуга оид таянч сўзлар.*

Мерос, фароиз, фариза, ворис, тарика

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сиюжия». Мадина Мунаввара, 1992-й.

2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фиш-шариатил-исломия», Лубнон

3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.

4. Мұхаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор алад-дуррил-мухтор», Қохира, 1966-й.
5. Мұхаммад ибн Ахмад Саражсий, «Ал-Мабсүт» Қохира, 1900-й.
6. Алоуддин Мұхаммад ибн Ахмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Ахмад ал-Косоний, «Бадиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қохира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қохира, 1951-й.
9. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қохира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий, «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## 2-МАВЗУ

**Мерос ҳақида нозил бўлган оятлар мазмуни, нозил бўлиш сабаблари ва уларга доир баъзи ҳукмлар**

а) «Нисо» сурасининг 11–12 ояти ва нозил бўлиш сабаби.

б) «Нисо» сурасининг 176 ояти ва нозил бўлиш сабаби.

в) Мазкур оятларга тааллуқли баъзи ҳукмлар:

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 11–12 оятларида марҳамат қиласи:

﴿يُوصِّيْكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنْثَيَيْنِ فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثًا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا النِّصْفُ وَلَا بَوِيهٌ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا السُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرِثَهُ أَبْوَاهُ فِلَامِهِ الْثُلُثُ فَإِنْ كَانَ لَهُ إِخْوَةٌ فَلِأُمِّهِ السُّدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِّي بِهَا أُوْ دِيْنٍ آبَاؤُكُمْ وَآبَانَاؤُكُمْ لَا تَدْرُوْنَ أَيْهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفْعًا فَرِيضَةً مِنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا (11) وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ هُنَّ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ هُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمُ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكْنَ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِّيَنَّ بِهَا أُوْ دِيْنٍ وَلَهُنَّ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُلُثُ مِمَّا تَرَكْتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوْصُونَ بِهَا أُوْ دِيْنٍ وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورَثُ كَالَّا لَهُ أُوْ امْرَأَةٌ وَلَهُ أَخٌ أُوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا السُّدُسُ فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءٌ فِي الْثُلُثِ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَى بِهَا أُوْ دِيْنٍ غَيْرَ مُضَارٍ وَصِيَّةً مِنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ (النساء-12)﴾

**«Аллоҳ таоло фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки киз улуши баробарида мерос**

беришни амр қилур. Агар меросхўрлар иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга эр қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса унга (мероснинг) ярми тегур. Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган меросидан олтидан бир тегур. Энди, агар фарзанд бўлмай, фақат ота-она меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бири тегур (қолгани эса отасига тегур). Агар (марҳумнинг) ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир(ҳақ) тегур. Бу тақсимотлар марҳум қилган васият ва унинг қарзлари адo этилганидан кейин бўлур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирлари сизлар учун фойдаси тегувчироқ эканини билмайсизлар. (Бинобарин, ўзингизга қолса, мерос тақсимотини ҳамadolat билан ҳал қила олмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос тегиши) Аллоҳ таоло томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди. Албатта, Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир».

«Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан – агар улардан фарзанд қолмаган бўлса ярми тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан бири тегур. Бу (тақсимотлар) марҳума қилган васият ва унинг қарзлари адo этилганидан сўнг кейин бўлур. Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан – агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса – тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандларингиз қолган бўлса, уларга сизнинг

меросингиздан саккиздан бири тегур. Бу (тақсимотлар) сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо этилганидан кейин бўлур. Агар мероси қолаётган эркак ва аёлнинг на ота ва на онаси бўлмай (она томонидан) бир ака ёки укаси ёхуд бирон опа ёки синглиси қолган бўлса уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бири тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар. (Бу тақсимотлар) меросхўрларга зарар етказмайдиган ҳолда қилинган васият ва қарзлар адо этилганидан кейин бўлур. (Бу ҳукмлар) Аллоҳ таоло томонидан бўлган амр фармондир. **Аллоҳ билгувчи ва ҳалимдир»** («Нисо» 11-12-оятлар).

Бу оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида бир қанча ривоятлар келтирилган. Имом Бухорий ва Муслим ўзларининг «Саҳих» китобларида мазкур оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида келтирган ривоятлари қуидагичадир:

«Уҳуд жангига шаҳид бўлган Саъд ибн Рабеънинг аёли икки қизини олиб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига келиб шикоят қилди: «Эй Расулуллоҳ! саллаллоҳу алайҳи васаллам Мана булар Саъднинг икки қизидир. Буларнинг отаси Уҳуд жангига шаҳид бўлди. Саъд вафотидан кейин буларнинг амакиси (Саъднинг иниси) келиб буларнинг молини олиб қўйди. Буларга ҳеч нарса қолдирмади. Ахир буларни турмушга узатиш учун мол керакку! Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло бу ҳақда ўзи ҳукм чиқаради», - дедилар. Бироз ўтмасданоқ мерос оятлари нозил бўлди. Шунда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи

vasallam икки қизнинг амакисига одам юбориб : «Саъдни икки қизига молни учдан иккисини, аёлига саккиздан бирини бер, қолгани сенга», дедилар.

Ибн Жарир келтирган бошқа ривоятда эса, мерос оятлари Расулуллоҳнинг шоирлари бўлган Ҳассон бин Собитнинг укаси Абдураҳмон бин Собит ҳақида нозил бўлган дейилган. Бу ривоятга кўра, «Абдураҳмон вафот этгач, ундан Умму Каҳҳа исмли аёли ва беш синглиси қолади. Эркаклардан бўлган меросхўрлар молнинг ҳаммасини олишади. Шунда Умму Каҳҳа пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам га шикоят қилиб келгач, мерос оятлари нозил бўлди.

Нозил бўлиш сабаблари бир неча йўллар билан ривоят қилинган мазкур икки оят аёллар меросдан маҳрум қилиб қўйилгач, нозил бўлган.

Шу ўринда мерос оятларига тааллукли бир нечта масала ва ҳукмлар мавжудки, уни баён қилиб ўтишимиз лозим. Аввало, «Нисо» сурасининг 11-оятида Аллоҳ таоло меросни баён қилар экан, бир ўғилга икки қиз улуши баробарида мерос беришни буюради. Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам Ислом ва унинг ҳукмларига нисбатан қалбида адовати бор кишилар Исломдаги ҳукмларга турли таъна ва дашномлар ила нуқсон етказишга уринган. Уларнинг Исломга ва унинг ҳукмларига таъна тошларини отишлари мерос ҳукмларига ҳам тааллуклидир. Улар, «Ислом қиз бола билан ўғил бола ўртасида мерос тақсимлашдаadolatsiz ҳукм чиқарган», дейишади. Лекин аслида биз Исломни ўғил ва қиз орасида мерос тақсимотига инсоф назари билан қарасак, бу айниadolat эканига ишонамиз. Шариати исломия эркак ва аёл

меросини бир-биридан фарқ қилиб тақсимлашда бир неча улуғ ҳикматларни назарда тутган. Эркак аёлдан бир баробар ортиқ мерос олишининг ҳикматини уламолар қуидагича келтирадилар:

1. Аёл киши ҳожат ва яшаш шароитлари билан тўла кафолатланган. Яъни, унинг нафақаси отаси, эри, ўғли, акаси ва бошқа эркак қариндошларининг зиммасидадир. Шунинг учун у меросни эркак билан тенг олишга эҳтиёжи йўқ.

2. Аёл бирорга нафақа қилишга буюрилмаган, яъни, аёл эркаклар каби оиласини, фарзандларини ва бошқа нафақаси вожиб бўлган қариндошларига нафақа қилишга буюрилмаган.

3. Эркакнинг сарфу харажатлари жуда кўпdir. Демак, молга бўлган эҳтиёжи ҳам аёлникига қараганда кўпроқ бўлади.

4. Маълумки, эр аёлига маҳр беришга мажбурдир. Шунингдек, у аҳли аёли, фарзандларини яшаш, кийим-кечак ва обу таом билан таъминлашга буюрилган.

5. Фарзандлар таълим-тарбияси учун кетадиган сарф-харажатлар, уларнинг ва аёлни муолажаси учун бўладиган харажатлар ҳам эрнинг устида бўлади.

Шу ва бундан бошқа биз билмайдиган бир қанча ҳикматларга кўра, Ислом шариати аёлга эркакдан бир баробар ортиқ мерос тақсимлаган. Шу билан бирга Ислом аёлларни ўз раҳмати билан ўраб қўйди. Улар эрлар паноҳида хотиржам ва серобчиликда яшасаларда, бирорга нафақа қилмасаларда, уларга меросда улуш берди. Ислом шариати аёлларга ўз молидан нафақа қилишга, оила харажатлари учун ёки

фарзандлар таълим–тарбияси учун сарфлашга буюрмайди. Бу харажатлар эркакнинг устига юкланган.

﴿... وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقٌ هُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ...﴾ – (البقرة-233)

**«Уларнинг аёлларни ейиш–ичиши ва кийинтирилиши отанинг зиммасидадир»** (*Бақара сураси-233-оят*)

Шу ўринда Исломдан олдин араблар ва бошқа халқларда аёллар мероси қандай бўлганини зикр қилиб ўтсак. Арабларни оладиган бўлсак, Ислом қуёши Арабистон яrim оролини ёритмасдан олдин аёлларга урушга чиқолмаслиги, қариндош–уруғларини ҳимоя қила олмаслигини баҳона сабаб қилиб умуман мерос берилмасди. Араблар «От минолмайдиган, қилич кўтаролмайдиган, душман билан уриша олмайдиган аёлларга қанақасига мерос берамиз! дерди. Улар ёш гўдак ва болаларни меросдан манъ қилгани каби, аёлларни умуман меросдан маҳрум қилган эди.

Ақлу хуши ва тафаккури бор инсон Ислом шариати араблар аёлларга зулм қилиб турган бир вақтда келиб уларнинг ҳуқуқини мерос масаласида ҳам тўла тўқис қилиб берганини англаб етади. Яъни, аёллар энди ҳеч қандай миннатсиз мерос мулкида эркакларга шерикдирлар.

Мерос оятлари нозил бўлганда, унда баён қилинган хукмлар арабларга жуда оғир туюлди, ҳатто улар кошки эди бу оятлар мансух бўлса, деб, орзу қилдилар. Табарий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар.

У зот айтдилар: «Фароиз ояллари нозил бўлиб, унда Аллоҳ таоло эр, хотин, ота-она ва бошқалар меросини белгилаб бергач, бу айрим одамларга оғир тушди ва айтдилар: Аёл кишига тўртдан бир, саккиздан бир мерос бериладими? Қизга ярим мерос бериладими? Ёш болага ҳам мерос бериладими? Ахир буларнинг бирортаси урушда қатнашиб, ўлжага эга бўлолмаса?! Бу ҳақда пайғамбар алайҳиссаломга индамай турайлик, шояд буни унутсалар ёки айтамиз уни ўзгартириб берсалар. Уларнинг ичидан айримлари келиб: «Ё Расулаллоҳ! Ёш болага қандай қилиб мерос берамиз. Уни қавмга ҳеч фойдаси бўлмаса? Қиз бола отаси қолдирган молни ярмини олса? Ахир у от миниб урушда қатнашолмаса?!» деб айтишгacha борди. (тафсир Табарийдан).

Яҳудийлар ҳам аёлларга мерос беришда Тавротдаги хукмларни ўзгартириб, ҳавою нафсларига мувофиқ хукмларни жорий қилиб олган эдилар. Уларнинг шариатида аёл вафот этиши билан унинг барча мол-мулки эрига мерос бўларди. Акси бўлса, аёл эридан мерос олмайди. Она ҳам, фарзандларидан ҳеч қандай мерос олмайди. Ота вафотидан кейин барча мерос ўғил фарзандга ўтади, агарчи у онасининг қорнида бўлса ҳам. (Ал-ҳуқуқ ал-мутааллиқа бит-тарика» 224)

Қадим юононларда ҳам мерос масаласи золимона тарзда ташкил қилинган эди. Уларда киши вафотидан сўнг унинг мероси эркак қариндошларга ўтади, аёллар ва улар томонидан қариндошлиги бор эркакларга мерос берилмайди. (мазкур китоб 220)

Биз Исломда аёлларга нисф (ярим) мерос беришни айтиб ўтдик. Шу ўринда қуйидаги мисолга эътибор қиласак: Бир киши вафот этиб, ундан икки фарзанд, бир қиз ва ўғил ворис қолган бўлиб, майитдан 3000 сўм мерос қолган бўлса, Ислом шариатига кўра, қиз болага 1000 сўм, ўғил болага 2000 сўм мерос берилади. Энди улар иккиси ҳам турмуш қуриш остонасида бўлса, ўғил бола уйланishiни хоҳласа, у уйланадиган аёлига маҳр бериши лозим. Энди биз маҳрни 2000 сўм деб фараз қилайлик. Демак, у отасидан олган барча меросини маҳрга беради. Яна унинг зиммасида оила харажатлари, уй-жой таъминоти, ейиш-ичиш каби сарф-харажатлар турибди. Қиз болага келсак, у турмушга чиқмоқчи бўлса, унга бериладиган маҳрни ҳам 2000 сўм деб фараз қилайлик. Олган мероси билан маҳри 3000 сўм бўлди. Унинг зиммасида уй-жой, ейиш-ичиш ташвишлари йўқ. Энди шу ўринда кимнинг ҳуқуқи яхшироқ ҳимоя қилинганига инсоф назари билан қарасак кифоя. Лекин ўзини олим ҳисоблаб юрган, аслида илм доирасидан узокда бўлган айрим Ғарб шарқшунослари ва уларга эргашган баъзи Ислом диёрларидан чиққан олимлар Ислом ва унинг ҳукмларини турли йўллар билан бузиб кўрсатишга уринадилар. Уларнинг Ислом шариати ҳукмларига қилган таъналаридан бири – бу Исломдаги мерос тақсимлаш низомидир. Улар Ислом аёлларга эркаклардан бир ҳисса кам мерос бериб уларнинг ҳуқуқини поймол қилган деб даъво қиласидар. Лекин биз уларга «Ислом сиз ва сизга ўхшаганларнинг таъна тоши билан зарар кўрмайди, фақат ўзингиз зарар кўрасиз» деб айтамиз.

## ҚАРЗ ВАСИЯТДАН ОЛДИНДИР

Ояти карима баён қилган яна бир нуқтага диққат қаратсак. Мазкур икки оятнинг турли ўрнида Аллоҳ таоло:

(1) مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دَيْنٍ (النساء-11)

(2) مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِيْنَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ (النساء-12)

(3) مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوصُّونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ (النساء-12)

деб марҳамат қиласи. Мазкур ояларнинг зоҳирига қарасак, маййит қарзини адо этиш васиятдан кейин турди деб тушунамиз. Аслида эса бунинг аксиидир. Аввало маййитнинг қарзлари мерос молидан адо этилиб, сўнгра васияти ижро қилинади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай шаклда меросни бўлиб кўрсатганлар, Ҳазрати Али розияллоҳу анхудан қўйидаги сўз ривоят қилинган: «Сизлар

مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دَيْنٍ

оятини ўқийсизлар, пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам қарзни васиятдан аввал адо этишга буюрганлар».

Қарзни васиятдан олдин адо этилишидаги ҳикмат шулки, қарз маййит вафотидан олдин ҳам, кейин ҳам зиммасида турувчи ҳақдир. Яъни, қарзни инсонлар тарафидан талаб қилиб келувчилари бордир. Васият эса соғ табаррӯъ (эҳсон, бағишлов) ҳисобланиб, инсонлар тарафидан уни талаб қилувчиси бўлмайди. Одамлар васиятни бу жиҳатларига кўра унга бепарво бўлмасликлари, ворислар уни адо этишда

бахиллик қиласликлари учун Аллоҳ таоло Қуръони каримда васиятни қарздан олдин зикр килди.

Аввал ўтган ва кейин келган уламоларнинг барчалари қарз васиятдан олдин туришини айтганлар. Исломда қарзни адо этиш қаттиқ таъкидланган. Шунинг учун вафот этган кишини жанозасини ўқишдан олдин қарзи бор-йўқлиги сўралади. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар:

نَفْسُ الْمُؤْمِنِ مَعْلَقَةٌ بِدِينِهِ حَتَّىٰ يَقْضِيَ عَنْهِ

яъни: «Мўминнинг жони қарзи сабабли то уни адо этилмагунича қарзига боғлангандир»

(Термизий, ибн Можа ва Аҳмад ривояти).

б) «Нисо» сураси 176 оят.

﴿يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ إِنْ امْرُؤٌ هَلَكَ لَيْسَ لَهُ وَلَدٌ وَلَهُ أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفُ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا وَلَدٌ فَإِنْ كَانَتَا اثْنَتَيْنِ فَلَهُمَا الثُّلُثَانِ مِمَّا تَرَكَ وَإِنْ كَانُوا إِخْوَةً رِجَالًا وَنِسَاءً فَلِلَّذِكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنْثَيَيْنِ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ أَنْ تَضْلُلُوا وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ (النساء-176)

Яъни: (Эй Мұхаммад)! Сендан фатво сўрайдилар. «Аллоҳ сизга қалола ҳақида фатво беради» деб айт. Агар бир одам ўлсаю, унинг боласи бўлмасдан, синглиси бўлса, унга марҳумдан қолганнинг ярми берилади. Агар сингилнинг боласи бўлмаса, ака ёки укаси унинг ҳамма меросини олади. Агар сингил иккита бўлса, улар

**марҳумдан қолганинг учдан иккисини оладилар.** Агар (меросхўрлар) эркак аёл биродарлар бўлсалар, бир эркак икки аёл ҳиссаси асосида оладилар. Адашмаслигиниз учун Аллоҳ баён қилмоқда. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир. («Нисо» сураси 176-оят).

Калоланинг маъноси: Мазкур ояти карима ва олдинги 12-оятдаги ﷺ (калола) сўзини бир оз кенгроқ шарҳлаш лозим. Калола ҳақида уламолар кўп баҳс юритганлар. Бизнинг тилимизда калола сўзининг маъносини ифода қиласиган сўз йўқ. Араб тилида ҳам бунинг муродиф (маънодоши) йўқ. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуодамлар калола ҳақида сўрагандан: У тўғрисида ўз фикримни айтаман, тўғри бўлса Аллоҳдан, хато бўлса мендан ва шайтондан, яъни Аллоҳ ва расулининг бунга алоқалари йўқ. Калола зурриёти ва аждоди йўқ одамдир, дедилар. Яъни, ўлган пайтда бола-чақаси, набира чеваралари ҳам, ота-онаси, бобо момоси бўлмаганга калола дейилади. Буни кейинроқ Умар розияллоҳу анҳу халифа бўлган пайларида яна бир бор тасдиқ этганлар.

Тўрт мазҳаб соҳиблари ҳам мазкур масалада яқдил фикр билдирганлар.

Юқоридаги уч оятдан бошқа яна бир нечта оятларда мерос ва унга тааллуқли баъзи ҳукмлар баён қилинган. Улар куйидагилардир:

1. «Анфол» сурасининг 1-оятида:

2.

وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَى بِعَضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿الأنفال-75﴾

яъни: «Аллоҳнинг китобида қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчи зотдир». Оятдаги “Қариндошлар бир-бирларига ҳақлироқдирлар” жумласида мерос масаласи кўзда тутилган. Ҳижратдан сўнг мерос маълум муддат мусулмон биродарлиги асосида яъни ансорий муҳожирдан, муҳожир ансорийдан қариндош бўлмаса ҳам мерос олаверган. Кейинчалик ҳаммаси ўз ўрнига тушиб, мусулмонлар орасидаги меросхўрлик қариндошлиқ асосида бўлиши таъкидланган. Мазкур ояти карима ва бундан кейинги оялар бу маънони яна таъкидлаб келмоқда.

Аҳзоб сурасининг 6-ояти:

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أُولَى بِعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُهَاجِرِينَ إِلَّا أَنْ تَفْعَلُوا إِلَيْيَّ﴾  
﴿أَوْلَيَائِنْكُمْ مَعْرُوفًا كَانَ ذَلِكَ فِي الْكِتَابِ مَسْطُورًا﴾ (الأنفال-6)

яъни: «Аллоҳнинг китобида қариндошлар бир-бирларига (мерос олишда)бошқа мўминлардан ва муҳожирлардан ҳақлидирлар. Фақат дўстларингизга яхшилиқ қилмоғингиз мустаснодир. Бу Китобда сатрлар ила битилмиш».

Олдинги «Анфол» сурасидаги оятда айтиб ўтганимиздек, бу оят нозил бўлгунча мерос олиш дўстлик, тутинган ака-укалик асосида бўлар эди. Бу ҳижратдан кейин дастлаб жорий қилинган қоидалардан эди. Маълумки, маккалик муҳожирлар

динларини сақлаб қолиш учун молу дунёлари, ватанлари, қариндош-уругларини ташлаб Мадинаи мунаавварага ҳижрат қилиб келдилар. Шунингдек, Мадинаи мунаавваранинг туб аҳолиси бўлган анзорийлар мусулмон бўлганлари туфайли коғир қариндош-уругларидан ажрадилар. Натижада инсоний алоқаларда бироз ўзгариш бўлди. Шу пайтда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам мухожир ва анзорийлар орасида машҳур биродарлаштириш тадбирини қўлладилар. Бунга кўра, мухожир ўзини анзорий биродарига мерос қолдирава унга ворис бўлар эди. Вақт ўтиши билан мусулмон шахс ва мусулмон жамияти шаклланди. Бунинг натижаси сифатида қариндошлар бир-бирларидан мерос олиш масаласида бошқалардан кўра ҳақли эканлигига эҳтиёж борлиги сезилди. Имом Имомуддин Ибн Касир ўз тафсирларида ушбу оятга боғлиқ куйидаги маълумотни келтирадилар: «Ибн Аббос ва бошқалар айтадилар: «Мухожир анзорийга меросхўр бўлар эди. Ота томон қариндошлари ҳам, она томони ҳам мерос ололмасди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам уларни биродар қилиб қўйганлари учун шундай қилинар эди».

### 3.«Нисо» сурасининг 7-ояти:

﴿لِلرِجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ﴾  
منهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَفْرُوضًا﴾ (نساء - 7)

яъни: «Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир.

**Аёллар учун ҳам ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Бу озми кўпми фарз қилинган улушдир».**

Исломдан аввалги тузум ва жамиятларда хусусан Арабистон ярим оролида аёллар ва ёш болаларга мерос берилмас эди. Жоҳилият арабларига кўра, меросга фақат қурол-яроғ кўтариб урушда иштирок қила оловчи эркаклар ҳақли эдилар. Қолганлар, жумладан ёш болалар ва аёллар бу ҳуқуқдан маҳрум эдилар. Ислом меросни эркак бўлсин, аёл бўлсин, катта ёки кичик бўлсин қариндошлар ҳаққи деб эълон қилди. Чунки, қариндошлар Ислом ҳукмига кўра, бир-бирларига қийин ҳолатларда ҳам ёрдам беришга мажбурдирлар. Бу оят аёлларнинг мерос олишини, уларга берилган ҳуқуқни белгилаб бермоқда. Бу оятда аёл ҳам эркак каби инсон эканлигини билдирувчи буюк маъно бор.

Ибн Мурдавайх Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қиладилар: Умму Каҳҳа исмли саҳобия аёл Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам хузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг саккизта қизим бор, оталари ўлиб қолди. Уларнинг ҳеч нарсаси йўқ. Оталарининг қариндошлари меросни қизларимга беришмаяпти.», деганида, Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримани нозил қилди.

### **Мавзуга оид таянч сўзлар:**

1. Нисф (1/2), рубувъ (1/4), сумун (1/8), сулусон (2/3), сулус (1/3), судус (1/6), калола, қарз,

### ***Маквзуга оид адабиётлар***

1. Мұхаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-Сирожия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Мұхаммад Али Собуний, «Ал-маворис фи шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Мұхаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз», Макка Мұкаррама, 1996-й.
12. Мұхаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мұхтор алад-дуррил-мұхтор», Қоҳира, 1966-й.
13. Мұхаммад ибн Ахмад Саражсий, «Ал-Мабсүт» Қоҳира, 1900-й.
14. Алоуддин Мұхаммад ибн Ахмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
15. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Ахмад ал-Қосоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
16. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълиил-мұхтор», Қоҳира, 1951-й.
17. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
18. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
19. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий, «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

### **З-МАВЗУ: МЕРОСГА ТААЛЛУҚЛИ ҲАҚ-ХҮҚУҚЛАР**

- а) Мерос молига тааллуқли бўлган ҳақлар;
- б) Ворисларнинг даражалари;
- в) Мерос илмидаги истилоҳлар ва уларнинг маънолари.

**А) Мерос молига тааллуқли бўлган ҳақлар**

Майитдан қолган мероснинг тақсим қилинадиган, сарфланадиган ўз ўринлари мавжуд бўлиб, ундан бошқа жойга берилса, шариат асосида тақсимланган ҳисобланмайди. Уламолар мерос молига тааллуқли бўлган ҳақларни тўртта деб белгилаганлар:

1. Майитни кафанлаш, тажхиз(дафнга тайёрлаш) ва то дафн этилгунча бўладиган харажатларга меросдан исроф ёки ўта баҳиллик қилмасдан сарфланади. Яъни, бунга майитни ғул қилдиришдан то охирги манзилига элтиб қўйилгунча бўлган харажатлар киради. Бу майитнинг аҳволига, эркак ёки аёллиги ва бой ёки камбағаллигига қараб бир-биридан фарқ қиласди.

2. Кафанлаш ва тажхиз (дафнга тайёрлаш)дан ортиб қолган барча меросдан майитнинг бандалардан бўлган қарзлари адo қилинади. «Меросдан бандалардан бўлган қарзларини адo этилади» деган сўз бизнинг мазҳабимизга кўрадир. Бошқа уч мазҳабга кўра эса, бандалардан бўлган қарзи билан бирга Аллоҳнинг ҳаққи бўлган закот, ушр, назр каби қарзлари ҳам меросдан адo этилади.

*Бизнинг ҳанафийларнинг) ҳужжатимиз қуидагичадир:*

Закот, ушр, каффорат каби амалларни адо этиш ибодатdir. Маълумки, ибодатлар ўлим билан инсондан соқит бўлади. Зеро, ибодатни адо этишга ният ва ихтиёр лозим. Ният ва ихтиёр маййитдан содир бўлмайди. Закот, ушр каби ҳақлар ўлим билан инсондан соқит бўлсада, у буларни тарк этгани учун гуноҳкор ҳисобланиб, охиратда иқобга дучор бўлиши мумкин. Агар маййит тириклик вақтида олдин тарк қилган закот, ушр каби қарзлари меросдан адо этишни васият қилган бўлса, барча мазҳаблар иттифоқи билан бу васиятни ижро этилади.

3. Маййитнинг қарзлари адо этилгандан сўнг, қилган васиятларини мероснинг учдан бир қисми доирасида ижро қилинади. Яъни, кафанлаш ва дафн билан боғлиқ харажатлар ва қарзлардан ортган мероснинг учдан бир микдорида васият адо қилинади. Агар маййитни васияти учдан бирдан кўпроқ бўлса, бунда ворисларнинг розилиги эътиборга олинади. Агар ворислар учдан бирдан ортиғига рози бўлсалар қолган қисмида ҳам васият амалга оширилади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Абу Ваққос молининг барчасини васият қиласман деганида, «Учдан бирга рухсат, лекин бу ҳам кўп. Сен ворисларингни бой ҳолда қолдиришинг, уларни камбағал қилиб, одамлардан сўрайдиган қилиб қолдиришингдан яхширокдир» дедилар.

Яна бошқа ҳадисда: «Аллоҳ таоло сизларга амалларингизни зиёда қилиб олишларингиз учун вафот этаётган пайтингизда молингизни учдан бирини (эҳсон)

садақа килди» деганлар. Яъни, молингизни учдан бирини васият қилишингиз мумкин.

4. Олдинги уч ҳақ адо қилингандан кейин қолган меросни маййитнинг ворислари орасида Қуръон, суннат ва ижмоъ кўрсатмаларига мувофиқ тақсим қилинади.

## **б) Ворисларнинг даражалари**

Маййитдан мерос олишга ҳақли бўлган ворислар ўз ҳақларини олишда баробар эмаслар. Улар бир-бирларидан мерос олишда ўз даражалари билан фарқ қиласдилар. Уларнинг даражалари қуйидагичадир:

**1. Фарз эгалари (асҳобул фуруз)** биринчи бўлиб меросдан буларга Қуръон, суннат ёки ижмоъда белгиланган миқдорда берилади.

**2. Насаб қариндошлар** (Асабат насабия) фарз эгалари меросда белгиланган ҳақларини олиб бўлгач, кейин насаб қариндошларга меросдаги ҳиссалари берилади. Насабий қариндош деб, фарз эгалари мавжуд бўлса, ундан қолган меросни, фарз эгалари бўлмай ўзи ворис бўлса, барча меросни олишга ҳақли бўлган маййитнинг яқинларига айтилади. Бунга ўғил, ўғилнинг ўғли, туғишган амаки каби маййитни яқинлари киради.

**3. Сабабий қариндошлар** (Асабат сабабийя) – Озод қилиш орқали қариндошлиги боғланган киши, яъни қул озод қилувчи киши. Агар озодқилинган қул вафот этганда унинг фарз эгаларидан ёки насаб қариндошлардан бирорта вориси

бўлмаса, бу ҳолда сабабий қариндош, яъни уни озод қилган киши мерос олади. Қул озод қилиш йўли билан қариндош бўлган кишига «Мавлал атоқа» дейилади. Яъни, озод қилишга эга бўлган киши. Агар қул озод қилган кишининг ўзи тирик бўлмаса, меросни унинг ўғил ворислари олади.

**4. Завил арҳам** (фарз эгаси ёки асаба бўлмаган узокроқ қариндошлар). Кейин агар фарз эгалари ёки асабаларнинг бирори бўлмаса меросни завил арҳамга берилади. Бу ҳанафий ва ҳанбалийларга кўрадир. Шофеъий ва моликийларга кўра эса завил арҳамга мерос берилмайди. Балки фарз эгаси ёки асаба бўлмаса меросни байтул молга топширилади.

**5. Мавлал муволот** (насаби номаълум бир шахс бошқасига «Сен менинг хожамсан, мен ўлсам мендан мерос оласан, агар жиноят қилсан уни товонини тўлайсан деганда, у ҳам қабул қилдим деган кишига мавлал– муволот дейилади. Олдинги тўрт қисм ворисларнинг бирори бўлмаса, мерос мавлал муволотга берилади.

**6. Насаби иқрор қилинган киши**, яъни маййит ҳаётлик вақтида бирорининг насабини иқрор қилган бўлса, яъни отонаси номаълум бир кишини бу менинг акам ёки укам деб тан олса, иқрор қилинган киши юқорида мазкур ворислардан бири бўлмаса меросни олади. Бу суратдаги ворис тўртта шарт асосида мерос олади.

а) Насаби иқрор қилинган кишининг насаби номаълум бўлиши

б) Иқрор қилувчининг иқрори насабнинг собит бўлишида ўзидан бошқага нисбат берган бўлиши керак.

Масалан: бу акам деб иқрор қилиши билан насабни отасидан событ бўлганига ишорат қиласи.

в) Бу иқрор билан насаби событ бўлмаслиги, яъни бу акам деб иқрор қилса, бу иқрорни отаси тасдиқламаслиги керак.

г) Иқрор қилувчи ўлгунича иқорида туриши.

**7. Васият қилинган кишига молнинг барчасини берилади.** Юқорида зикри ўтган ворисларнинг бирортаси мавжуд бўлмай, маййит ҳамма молини васият қилган бўлса, васият қилинган кишига берилади.

**8. Байтул мол.** Яъни, мазкур ворислар мавжуд бўлмаса, меросни йўқолиб кетишдан асраш ва мусулмонларнинг умуний манфаатларига ишлатиш учун давлат хазинасига топширилади.

## **МЕРОС ИЛМИДАГИ ИСТИЛОҲЛАР ВА УЛАРНИНГ МАҶНОЛАРИ**

Мерос илмида бир қанча истилоҳий сўзлар мавжудбўлиб, бундан кейин уларни қўйидаги шаклда кўллаймиз:

**1.** الفرض – бу вориснинг шариат асосида белгилаб берилган мерос насибасидир.

**2.** المسهم – масаланинг асосидан ҳар бир ворисга бериладиган муайян қисм.

**3.** المزكوة – маййит қолдирган мол ва ҳақ-хуқуқлар

4. النسب - бу ўғиллик, оталик ёки улардан бирига боғлиқликдир.

5. الفرع - агар меросда фаръ сўзи мутлақ шаклда қўлланса, ундан фақат маййитнинг ўғли, қизи, ўғлининг қизи ёки ўғли ирода қилинади. Отанинг фаръи деганда ака-ука, опа-сингиллар, туғишган ака-ука, опа-сингилнинг фарзандлари, ота бир ака-ука, опа-сингиллар фарзандлари тушунилади.

Бобонинг фаръи деганда амаки ва унинг фарзандлари ирода қилинади

6. الأصل - мутлақ ҳолда зикр қилинса, ундан ота-она, сахих боболар (ота томондан бўлган боболар) ва сахих момолар (ота томонидан бўлган момолар) ирода қилинади.

7. الولد - Маййитнинг ўғил-қиз фарзандлари тушунилади

8. الورث - тарикадан маълум улушга ҳақли бўлган киши

9. العصبة -муайян белгиланган мероси бўлмасдан фарз эгаларидан қолган меросни олувчи, агар фарз эгалари бўлмаса ҳамма меросни олишга ҳақли киши.

10. الإدلة - бирон бир йўл билан маййитга нисбатланиш, қариндошлиқ алоқаси бўклиниши.

11. الميت - жасадидан рух чиқиб кетган киши.

Аммо الميت - йо ҳарфининг ташдид билан келса, ҳолати ўликлардек бўлган тирикларга айтилади. Ояти каримада:

﴿إِنَّكَ مَيِّتٌ وَإِنَّهُمْ مَيِّتُونَ﴾ (الزمر - 30)

яъни: «Сен вафот этувчи ва улар ҳам вафот этувчиidlар» дейилган.

Агар المية шаклида келса, бу руҳи ношаръий йўл билан чикқан ҳайвонларга айтилади.

***Мавзуга оид адабиётлар:***

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сирижия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фиш-шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз», Макка Мукаррама, 1996-й.
20. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор алад-дуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
21. Муҳаммад ибн Аҳмад Саҳахсий, «Ал-Мабсут» Қоҳира, 1900-й.
22. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тухфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
23. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
24. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
25. Бурҳониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
26. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.

27. Сирожуддин Мухаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## II-БОБ

### **МЕРОС ИЛМИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

#### **1-Мавзу: Исломда мерос низоми ва унинг асослари**

а) Меросга доир ҳукмлар:

1. Рукни
2. Шарти
3. Сабаби

б) Меросдан ман қилувчи нарсалар

в) Эркак ва аёллардан бўлган ворислар

*Мероснинг рукнлари учтадир:*

1. **Муваррис** – вафот этган киши, яъни мерос қолдирувчи
2. **Ворис** – сабаблар туфайли меросга ҳақли бўлган киши.
3. **Маврус** – майит қолдирган мол, кўчмас мулк каби нарсалар. Буни ирс (إرث) мерос (میراث) тарика (تركة)

Мазкур уч рукннинг барчаси мавжуд бўлгандагина, мерос юзага келади. Агар улардан бири бўлмаса, мерос вужудга келмайди.

## **МЕРОСНИНГ ШАРТЛАРИ**

Мероснинг шартлари учтадир:

1. Муваррис ҳақиқатда ёки ҳукман вафот қилган бўлиши. Муваррис вафот этмасдан олдин мерос тақсимлаш мумкин эмас. Агар киши тириклигида ўз молу дунёсини тақсимлаб берса, бу мерос бўлмасдан хиба, ҳадя, эҳсон бўлади.

Муваррис ҳукман ўлган бўлиши керак дейилгани, ўлик ёки тириклиги маълум бўлмаган, бедарак йўқолган кишини қози аломатларга қараб ўлган деб ҳукм қилишидир. Шунда унинг моли ворислар орасида тақсимланади. Инсон ўзи тирик экан, у ўз молу дунёсида тасарруф қиласверади. Шунинг учун унинг ҳақиқатда ёки ҳукман ўлгани маълум бўлмаса, мероси тақсимланмайди.

2. Муваррис ўлган вақтда, ворис ҳақиқатда тирик бўлиши. Ворис муваррис вафотидан сўнг унга ўринбосар бўлади. Мерос йўли орқали муварриснинг молу мулки унга ўтади. Эга бўлиш лаёқати бўлиши учун муваррис ўлган вақтда ворис озгина муддат бўлсада тирик бўлиши лозим.. Шунинг учун икки бир-биридан мерос оловчи, агар бир ходисада вафот этса, уларнинг қайси бири олдин ўлгани маълум бўлмаса, улар орасида мерос ҳукми жорий бўлмайди. Масалан, ота билан ўғил самолёт ҳалокатида вафот этса, уларнинг қайси бири олдин ўлгани билинмаса улар бир-биридан мерос олмайди. Фуқаҳолар бунга: «Бирдан Қарқ

бўлганлар, куйиб кетганлар ва том остида қолганлар орасида мерос олиш йўқдир» деб айтганлар.

### 3. Қариндошлик ва мерос маълум бўлиши

## МЕРОСНИНГ САБАЛЛАРИ

Мерос олиш учун қариндошлик ва унинг даражаси маълум бўлиши зарурдир. Шунда фароиз илми бўйича олимга мерос тақсимлаш осон бўлади. Зеро, меросхўрлар ҳолатига қараб мерос ҳукмлари ҳам ўзгаради. Масалан, бу майитнинг акасидир дейишни ўзи кифоя қилмайди. Балки, у туғишиган, ота бир ёки она бир эканини билишимиз лозимки, буларнинг ҳар бири мерос олишда бир-биридан фарқ қиласди.

Шунга кўра, мерос олишга имкон берадиган сабаблар учтадир:

1. **Қаробат** – ота-она, фарзандлар ва улар воситасида майитга қариндошлиги боғланган кишилар. Яъни, майитга насабий жиҳатдан қариндош бўлганлар. Агар уларни мерос олишига бирор монеъ бўлмаса, мерос олишга ҳақлидир.

2. **Никоҳ** – эр-хотин орасидаги сахиҳ никоҳ ақди, агар духул(қўшилиш) ёки у билан хилватда бирга бўлиш вужудга келмаса ҳам, улар бир-биридан мерос олишига сабаб улар орасида никоҳ ақди борлигидир. Фосид ёки ботил никоҳ туфайли улар орасида ўзаро мерос олиш йўқ.

3. **Вало** – буни сабабий ёки ҳукмий қаробат ҳам дейилади. Валоул-итқ, валоун-неъмат ҳам дейилади. Агар

бир хожа қулини озод қилса, бу билан ўзи ва қули орасида валоул- итқ деб номланувчи робита, алоқа пайдо қилади. Шу алоқа сабабли қулидан мерос олишга ҳақли бўлади. Хожа қулига ҳуррият ва инсонийлик бағишлагани учун қул ўлган чоғида бошқа вориси бўлмаса, озод қилувчи ворис бўлади.

## **б) МЕРОС ОЛИШГА МОНЕЪЛИК ҚИЛУВЧИ САБАБЛАР**

Меросдан ман қилувчи сабаблар тўрттадир.

Куйида зикри келадиган тўрт монеъдан бири мавжуд бўлса, мерос олишдан тўсади, ман қилади.

1. Қуллик – қулнинг қул бўлганлиги, уни бирон қариндошидан мерос олишдан ман қилади. Чунки қулга мерос улуши берилса, уни хожаси олиб қўяди. Маълумки, хожа қулнинг қариндошларига бегона ҳисобланади. Бу борада фуқаҳоларнинг «қул ва унинг қўлида бўлган нарсалар хожасиникидир» деган сўzlари машҳурдир. Бунда қул мудаббар (хожаси ўлганимдан сўнг озодсан деб айтган қул), мукотаб(маълум миқдордаги маблағ эвазига озод бўлиши шарт қилинган қул) бўлишининг фарқи йўқдир.

2. Қатл – ворис ўз муваррисини ўлдирса, у мерос олмайди. Пайғамбарсаллаллоҳу алайҳи васаллам:

لیس للقاتل شيء

яъни: «Қотилга ўлдирганини мақтулни тарикасидан) ҳеч нарса йўқдир» (Абу Довуд ривояти) – деган сўзлари бунга далилдир. Қотил гўё ўз вақтидан эртароқ мерос олишга шошилиб муваррисни ўлдирган ҳисобланади. Фуқаҳоларнинг “Ким бир нарсани ўз вақтидан олдинроқ ҳосил қилишга шошилса, ўша нарсадан маҳрум қилинади”, деган сўзлари бунга далилдир.

Қотилни меросдан ман қилишнинг яна бир ҳикмати шуки, агар қотил меросдан ман қилинмагандан кишилар, меросни тезроқ қўлга киритиш учун муваррисларини ўлдирап, натижада жамиятда бекарорлик вужудга келар эди. Бизнинг ҳанафий мазҳабимизга кўра, меросдан ман қилувчи қатл бу каффоратни вожиб қилган қатлдир. Бунга қасдан ўлдириш, хато қилиб ўлдириш ва шибҳул амд (қасдан ўлдиришга ўхшаш ) қатл киради.

Моликийларга кўра, қасдан ўлдиришдан бошқаси меросдан ман қилмайди.

Шофеийларга кўра эса, барча кўринишдаги қатл меросдан ман қиласди. Масалан, бир киши яқин қариндошига зино қилганида гувоҳлик берса, кейин уни ражм(тошбўрон) жазоси билан ўлдирилса, шоҳидлик берганга мерос берилмайди.

Ҳанбалийлар наздида, қасос, дия, каффорат билан товони тўланадиган ҳадларда меросдан манъ қилинади.

**3. Ихтилофуд-дин** – Диндаги фарқлилик, яъни турли динда бўлиш.. Бу фарқ Ислом ва куфр орасидадир. Ҳадисда:

لَا يَرُثُ الْمُسْلِمُ الْكَافِرَ وَلَا الْكَافِرُ الْمُسْلِمُ

яъни: «*Мусулмон кофирдан, кофир мусулмондан мерос олмайди*» дейилган. (мутаффакун алайх). Бошқа ҳадисда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам:

لَا يَتَوَارَثُ أَهْلُ مَلْتَينِ شَتِّي

яъни: «*Икки хил миллат (дин) аҳли бир-биридан мерос олмайди.* деб марҳамат қилғанлар (Абу Довуд ва Аҳмад ривояти). Исломдан бошқа диндагилар бир-биридан мерос олаверади. Яхудий насронийдан ёки акси бўлиб мерос олади.

Саҳобалардан Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу мусулмон кофирдан мерос олади, чунки Ислом олийдир, ундан олий ҳеч нарса йўқдир, деганлар. Лекин жумхур уламоларнинг сўзи бу ўринда тўғрироқдир.

Баъзи уламолар «Риддат» (Исломдан чиқиб бошқа динга кириш)ни ҳам мерос монеъларидан санаганлар. Аслида бу ҳам ихтилофуд динга дохилдир. Муртад (диндан қайтган), уламоларнинг ижмоъсига кўра мусулмондан мерос олмайди. Аммо мусулмон муртаддан мерос олиши ҳақида уламолар қуидагича фикр айтганлар: Моликий, Шофеъий ва Ҳангбалий мазҳабларда мусулмон муртаддан мерос олмайди. Муртаднинг моли мусулмонларнинг ўлжаси ҳисобланади, дейдилар. Аммо ҳанафийлар эса, муртаднинг моли мусулмон ворисларига меросдир., дейдилар. Бу раъй Абу Бакр, Али ва ибн Масъуд розияллоҳу анҳулардан ривоят қилинган.

Мазкур ҳукм мусулмон ўлкасида яшайдиган мусулмон ва кофирлар орасидаги меросга доирдир.

4. **Ихтилофуд-дорайн** - яшайдиган диёридаги фарқ. Яшаш диёри бошқа-бошқа бўлиши билан миллати бир бўлсада, бир-биридан мерос олмайди. Мусулмон диёрида яшайдиган зиммийдан бошқа юртда яшайдиган кофир қариндоши мерос олмайди.

## **В) Эркак ва аёллардан бўлган ворислар**

Мерос олишлари мумкин бўлган эркаклардан бўлган ворислар ўн бештадир: Уларнинг мерос олишда ҳақдорликлари, мартабалари ва даражалари ҳам тартибларига кўрадир:

1. Ўғил
2. Ўғилнинг ўғли ва ундан қуидагилар
3. Ота
4. Саҳих бобо ва ундан юқоридагилари
5. Туғишган ини (ака-ука)
6. Ота бир ини (ака-ука)
7. Она бир ини (ака-ука)
8. Туғишган инининг ўғли (жияни)
9. Ота бир инининг ўғли
10. Туғишган амаки (отанинг туғишган иниси)
11. Ота бир амаки
12. Туғишган амакининг ўғли
13. Ота бир амакининг ўғли
14. Эр
15. Қул озод қилувчи (эркак киши)

Эркаклардан бўлган ворислар факат шулардир.  
Булардан бошқа эркак ворислар йўқдир.

Аёллардан бўлган ворислар ўнта бўлиб, улар қуидагилар:

1. Киз
2. Она
3. Ўғилнинг қизи ва ундан қуидагилар
4. Саҳиҳ момо (онанинг онаси) ва ундан юқоридагилар
5. Саҳиҳ момо (отанинг онаси) ва ундан юқоридагилар
6. Туғишган сингил
7. Ота бир сингил
8. Она бир сингил
9. Хотин
10. Қул озод қилувчи аёл

***Мавзуга оид таянч сўзлар:*** муваррис, ирс, турас, қаробат, никоҳ, вало, ихтилофуд-дин, ихтилофуд-дорайн.

## **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Муҳаммад Анвар Бадахшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сиюжия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фишишариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
4. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор аладуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.

5. Мұхаммад ибн Аҳмад Сарайсий, «Ал-Мабсүт» Қохира, 1900-й.
6. Алоуддин Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қохира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълиил-мухтор», Қохира, 1951-й.
9. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қохира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## 2-МАВЗУ

### ҲАЖБНИНГ МАЬНОСИ ВА УНИНГ ҚИСМЛАРИ

- а) Ҳажбнинг луғавий ва истилоҳий маъноси
- б) Ҳажби нуқсон
- в) Ҳажби ҳирмон, махжуб ва маҳрум орасидаги фарқ
- г) Ҳажбга доир билиш зарур бўлган қоидалар

- а) Ҳажбнинг луғавий ва истилоҳий маъноси

Ҳажб луғатда: манъ қилиш, тўсиш маъносидадир. Шунинг учун ҳам эшик ёнидаги қоровулга араб тилида (حاجب) ҳажиб дейилади. (бирорни изнисиз киришлиқдан манъ қилганлиги учун) ва яна юзни тўсадиган ҳижоб пардасига ҳам (حجاب) ҳижоб дейилади. Чунки, қараашдан манъ қилганлиги учун. Ва яна Аллоҳ таолонинг сўзи ҳам бунга мисолдир

﴿...كلا إِنَّمَا عن رَبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّخَجُوبُونَ﴾

«Йўқ! Улар бугун Роббиларидан тўсилгандирлар»

**Шариат истилоҳида эса** – яқин ворис узоқ ворисни ёки яқинроқ меросхўр яқин меросхўрни мероснинг ҳаммасидан ёки баъзисидан манъ қилишига айтилади. Масалан: Бобо билан ота, ота бор жойда бобо мерос олмайди. Отан билан ўғил, ўғил бор ерда ота барча меросни емас, унинг олтидан биринигина олади.

#### б) Ҳажб қисмлари

Ҳажб икки қисм бўлади: Ҳажб нуқсон, ҳажб хирмон.

1. Ҳажб нуқсон - у кўп улушдан кам улушга манъ қилишдир. Масалан: ўлик эрни ёки хотинни ёки онани фарзанд билан қолдирса ёки ўғилнинг қизини (неварани) қизи билан қолдирса ёки ота бир сингилни ота-онаси бир сингил билан қолдирса, хотин, эр ва онанинг улушлари ўликнинг фарзанди сабабли камаяди. Шунингдек ўғилнинг қизи улуши сулбия қиз сабабидан камаяди ва ота бир сингилнинг улуши ҳам ота-она бир сингил сабабли озаяди.

а) Ҳажб хирмон - бунда меросхўрга меросдан насиба оз бўлсин ёки кўп бўлсин тегмайди. Бунда ҳажб бўлишини сабаби меросхўр ва майит орасида восита бўлганлиги учундир. Масалан: ота ҳаёт бўлган ҳолда бобога мерос берилмаганига ўхшаш. Ёки бир ворисдан майиттага бошқа яқинроқ ворис мавжуд бўлганлиги сабабидан. Масалан: ўғил бўлган суратда ўғилнинг ўҚлига ўхшаш. Агар бу меросхўрнинг ва майитнинг орасидаги восита она бўлса ўзининг фарзандларини ҳажб қилмайди. чунки она молнинг ҳаммасини олмайди, яъни она учун асабалик йўқдир.

Маҳжуб ва маҳрум ўртасидаги фарқ: Маҳжуб (ҳажб қилинган шахс) ворис бўлади ва лекин уни яқин ворис яқин бўлгани учун манъ қиласди. Манъ қилувчи йўқ бўлса мерос олаверади. Маҳрум (меросдан маҳрум қилинган шахс) эса ҳеч қаон меросхўр бўлмайди. Қотил, кофир, қулга ўхшаш ва маҳрум шахс бизнинг наздимизда (ҳанафий) ҳажб қилувчи бўлмайди. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг фикрларича: маҳрум ҳажб нуқсон қиласди дейдилар. Масалан: Хотин ўлиб,

эр, ота ва қул ўғил қолдирса: эрга ярим 1/2, қолгани отага қул ўғилга эса ҳеч нарса берилмайди. Агар ўғил ҳажб қилганида отанинг улуши олтидан бир 1/6 бўлар эди.

Маҳжуб шахс уламоларнинг иттифоқи билан бошқасини ҳажб қиласди. Масалан: ака-укалардан ёки опа-сингиллардан иккитаси ёки ундан кўпроғи, қайси жиҳатдан бўлса ҳам ота билан бирга келсалар улар ота билан мерос олмайдилар, маҳжуб бўладилар, лекин онанинг 1/3 улушидан 1/6 га ҳажб қиласдилар.

### **г) БИЛИШЛИК ЗАРУР БЎЛГАН ҚОИДАЛАР**

1. Ворислардан ҳеч бир ҳолатда ҳажб хирмон йўли билан ҳажб қилинмайдиган бир груп бор. Улар: 6 тадир. - ўғил, ота, эр, қиз, она ва хотин.

2. Қолган меросхўрлар гоҳида мерос оладилар ва гоҳида ҳажб қилинадилар.

3. Ким майитга бир шахс воситасида нисбатланадиган бўлса ўша шахс билан бирга мерос олмайди. Фақатгина онанинг фарзандлари бундан мустаснодирки, она билан бирга меросхўр бўлаверадилар, чунки она қолган молни ҳаммасига хақли бўлмагани учун, яъни она асаба бўлолмайди.

4. Яқинроқ шахс бўлганда, яқин меросхўрга ҳеч нарса тегмайди.

*Мавзуга оид таянч сўзлар:*

## **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-Сироҗия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фиш-шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
4. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор алад-дуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
5. Муҳаммад ибн Аҳмад Саҳахсий, «Ал-Мабсүт» Қоҳира, 1900-й.
6. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Туҳфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
9. Бурҳониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сироҷуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сироҗия», Дехли, 1860-й.

### **3-Мавзу:**

## **ҚУРЬОН КАРИМДА ЗИКР ҚИЛИНГАН УЛУШЛАР ВА УЛАРНИНГ МАХРАЖЛАРИ, АВЛ ВА РАД КОИДАЛАРИ**

- а) Қуръонда зикр қилинган улушлар ва уларнинг эгалари хақида маълумот
- б) Авлнинг луғатда ва истилоҳдаги маъноси, авл қоидалари
- в) Раднинг луғатдаги ва истилоҳдаги маъноси
- г) Радга доир тўрт қоида
- д) Икки умария масаласи
- а) Қуръони каримда зикр қилинган улушлар (фарз миқдори) қўйидагилардир:

Улушлар:  $\frac{1}{2}$ ,  $\frac{1}{4}$ ,  $\frac{1}{8}$ ,  $\frac{2}{3}$ ,  $\frac{1}{3}$ ,  $\frac{1}{6}$  агар масалада булардан биттаси бўлса, унинг махражи шу каср тагидаги сон бўлади ва агар икита ёки ундан кўпроқ улушлардан таркиб топган бўлса махраж - шу касрлар орасидаги энг кичик сон бўлади. Масалан: (ярим)  $\frac{1}{2}$  ва  $\frac{1}{3}$  ва  $\frac{2}{3}$  ва  $\frac{1}{6}$  булар жамлашиб келса махражи 6 бўлади.  $\frac{1}{4}$  ярим ( $\frac{1}{2}$ ) билан бирга келса махражи 4 дир.

$\frac{1}{4}$   $\frac{1}{8}$  билан келса махражи 8 бўлади.  $\frac{1}{6}$  ва  $\frac{1}{3}$  ёки  $\frac{2}{3}$   $\frac{1}{4}$  билан келса махражи 12 бўлади.  $\frac{1}{8}$  билан бирга келса махраж 24 бўлади.

**а) Қуръони каримда зикр қилиниб, миқдори белгиланган фарзлар олтитадир.**

Улар: қўйидагилардир:

1.  $\frac{1}{2}$  нисф - ярим улуш, насиба

2. 1/4 рубуль – тўртдан бир улуш, насиба
3. 1/8 сумун – саккиздан бир улуш, насиба
4. 2/3 сулусон – учдан икки улуш, насиба
5. 1/3 сулус – учдан бир улуш, насиба
6. 1/6 судус – олтидан бир улуш, насиба

Энди мазкур насиба миқдорларига ҳақли бўлган ворисларни зикр қилиб ўтсак.

Аввало 1/2 нисфга бешта ворис ҳақли бўлиб, улардан бири эркаклардан тўрттаси аёллардандир:

1. Эр
2. Киз
3. Ўғилнинг қизи
4. Туғишиган сингил
5. Ота бир сингил

Буларнинг ҳар бирига мерос олиши учун белгиланган шартлари борки, уларни ўз ўрнида зикр қилинади.

2. 1/4 – рубуль мустаҳиқ ворислар иккитадир. Улар эр ва хотин. Агар хотин вафот этиб, ундан фарзанд қолган бўлса эри тўртдан бир олади. Эр вафот этиб, ундан фарзанди бўлмаса хотини 1/4 рубуль олади. Бунда битта ёки иккита хотиннинг мерос миқдори ўша 1/4 дир.

3. 1/8 сумун мерос миқдорига эр вафот қилиб ундан фарзанд қолган бўлса, аёли 1/8 сумун олади.

4. 2/3 сулусон. Бу улуш миқдори тўрт гурух ворислар насибаси бўлиб, уларнинг барчаси аёллардир:

- а) Икки ва ундан аксар бўлган сулбий қизлар
- б) Ўғилнинг икки ва ундан кўпроқ қизлари
- в) Икки ва ундан кўпроқ туғишиган сингиллар

г) Икки ва ундан кўпроқ ота бир сингиллар

Буларнинг мерос олиши учун ҳам бир неча шартлари мавжудки, уларни ўз ўрнида зикр қилинади.

5. 1/3 сулус. Бу икки хил ворисларнинг мероси бўлиб, улар қўйидагилардир:

а) Она - агар маййитнинг фарзанди ёки ўғилнинг фарзанди бўлмаса, сулус олади.

б) Икки ва ундан кўпроқ бўлган она бир ака-ука, опа-сингиллар, агар маййитнинг асли ва фаръи бўлмаса сулус олади.

6. 1/6 судус, бу миқдорни мустаҳиқлари етти гурух бўлиб, улар қўйидагилардир:

а) Ота агар маййитнинг фарзанди бўлса ота судус мерос олади.

б) Жадди саҳих - ота бўлмасдан, маййитнинг фарзанди бўлса, бобо судус олади.

в) Она - агар маййитнинг фарзанди, ака-ука, опа-сингиллари бўлса, она судус олади.

г) Ўғилнинг қизи - агар маййитнинг битта қизи бўлса, у қиз нисф олади, ўғилнинг битта ва ундан кўпроқ қизлари судус олади. Бунда аёлларнинг 2/3 сулусон миқдорини тўлдириш учун ўғилнинг қизларига судус берилади.

д) Ота бир сингил - агар маййитнинг биттагина туғишган синглиси бўлса, ота бир сингиллар судус олади.

е) Она бир ини ёки сингил - она бир ини агар маййитнинг асли ва фаръи бўлмаса, судус олади.

ё) Жадда сахиҳа - она бўлмагандага жадда сахиҳа (онанинг онаси, отанинг онаси) судус мерос олади.

### 3. ИККИ УМАРИЯ МАСАЛАСИ

Аслида она ота билан бирга бўлса барча меросни учдан бирини олади. Лекин бу ўринда умария деб номланувчи икки масала борки, бунда мазкур қоидага хилоф қилинади. Умария деб номланишининг сабаби, бу масала ҳазрати Умарнинг хукмлари ва бошқа сахобаларнинг бунга мувофиқ бўлиши сабабли бўлган. Бу икки масалани «Қарровайн» деб ҳам аталади. ўарро дегани «ёрқин», «нурли» маъносида бўлиб, бу масалаларнинг машҳурлиги ва ҳаммага маълумлиги учундир. Бу масалада эр ёки хотин фарз меросини олиб бўлгач, она қолган мероснинг сулусини олади. Масаланинг сурати қуидагичадир:

1. Бир аёл вафот этиб, унинг эри, онаси ва отаси қолган бўлса, эр нисфни фарз мерос сифатида олади. Она эса қолган мероснинг сулусини олади. Отага эса қолгани берилади. Онага қолган молнинг сулусини берилишининг сабаби, шуки, агар биз онага умумий молнинг сулусини берсак, онанинг насибаси отадан кўпроқ бўлади. Чунки, она умумий молнинг сулусини олгач, отанинг насибаси судус қолади. Бунда онага отанинг насибасидан икки баробар кўп мерос тегади. Она отадан кўп мерос олиши фароиз илмида событ эмас. Аммо қолган молнинг сулусини олса бунда مثل حظ الأئشين للذكر

## Масаланинг асли 6 дан

эрга нисф яъни 6 улушдан 3 таси	эр 1/2
онага олти улушдан бири яъни қолганининг сулуси	эрдан қолгани 1/3 она
отага олтидан қолган икки улуши	қолган қисми отага асабалиги учун

2. Умария масаласининг иккинчиси қуидагичадир:

Бир киши вафот этиб, ундан аёли, онаси ва отаси қолса, аёлига фарз мероси бўлган рубуъни, онага эса фарздан қолган меросни сулусини, отага онадан қолганини берилади.

## Масаланинг асли 4 дан

аёлига фарз бўлган тўртдан bir	1/4 аёлига
онасига қолганини учдан бири	1/3 онасига қолганин инг сулуси
отасига қолган тўртдан иккиси	отасига қолгани

Умария масаласи ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу даврларида воқе бўлиб, сахобалар бу масалада икки хил фикр билдирганлар:

1. Зайд ибн Собит розияллоҳу анхува жумхур саҳобаларнинг йўли бўлиб, Умар розияллоҳу анҳу ҳам шунга ҳукм қилганлар. Яъни, онага фарздан қолганинг сулуси берилади.

2. Ибн Аббосни розияллоҳу анхуйўллари бўлиб, у киши бу масалада жумҳурга хилоф қилганлар. Яъни, ибн Аббоснинг фатволарига кўра, онага умумий молнинг сулуси берилади. Зайд ибн Собитнинг йўлларини барча уламолар оммаси яқдиллик билан қабул қилганлар.

## **АВЛНИНГ      ЛУҒАТ      ВА      ИСТИЛОҲДАГИ МАЪНОСИ**

Авл луғатда жавр қилишга мойил бўлиш маъносида ишлатилади. Аллоҳ таолонинг:

تعولوا

ذلك أدنى أن لا

яъни: «**Бу, зулм қилмаслигиниз учун яқинроқдир**» деган сўзи ҳам шу маънода келган. Яна кўтармоқ маъносида истеъмол қилинади, айтиладики:

عال المیزان – тарозуни кўтарди маъносига муносиб келади, чунки бунда маҳражни ўз ўрнидан бошқа маҳражга кўтаришлик маъноси бордир.

Истилоҳда эса, маҳраж улушларни сифдиришликдан кичик бўлган пайтда маҳражга ўз жузларидан бирор нарса зиёда қилишликдир. Масалан: бир аёл вафот қилиб, ундан эр, ота-она бир бўлган иккита опа-сингил қолган бўлса, эрга ярим ( $1/2$ ) бу 3 улуш бўлади. Икки опа-сингилга учдан икки ( $2/3$ ) бу 4 улуш бўлади. Демак, масаланинг асли 6 эди. Лекин

улушларга етмайди, чунки улушлар 7 та. Шунда бу маҳражни кўтариб бирни қўшамиз. 7 бўлади.

Авлнинг машруъ эканига далил: Авлга биринчи ҳукм қилган киши ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу. бўлиб, бунга барча саҳобалар ижмоъ қилганлар. Чунки у зотнинг замонларида ўз улушларидан маҳражи кичик бўлиб қолган ҳолат воқеъ бўлган эди. Бу ҳақда саҳобалар маслаҳат қилишган ва набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос розияллоҳу анҳу авл қилишга ишора қилиб: «Улушларни авл қилинглар», дедилар ва бунга саҳобалар эргашганлар ва ҳамда буни ҳеч ким инкор қилмаган. Буни Имом Байҳақий ва Ҳоким «Мустадрак»да ва Саъид ибн Мансур «Сунан»да Зайд ибн Собит розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар.

### **Авл қилиш ёки қилмаслик нуқтаи назаридан улушлар маҳражларининг навлари**

Куръони каримда зикр қилган улушларнинг маҳражлари 7 тадир:

1. Улардан 4 таси авл бўлмайди, улар ярим 1/2 нинг маҳражи (2) ва 1/3 нинг маҳражи (3) ва 1/4 нинг маҳражи (4) ва 1/8 нинг маҳражи (8).

2. Ҳамда улардан 3 таси гоҳида авл бўлади. 6 - бу гоҳида 10 гача жуфт ва тоқ бўлиб авл бўлади. 12 эса 17 гача тоқ бўлиб авл бўлади. 24 эса 27 га авл бўлади. (факат бир марта авл бўлиши билан).

## Авл бўладиган махражларга мисоллар:

1) 6 ни 7 га авл бўлганига мисол: Хотин вафот этиб, ундан эр ва ота-онаси бир-икки опа-сингил қолган бўлса ушбу суратда бўлади:

Эр	иккита ота-она бир опа-сингил
1/2=3	2/3=4 улушлар жами: 7

Демак, масала 6 дан, 7 га авл бўлади, улушлар йиғиндиси 7 яъни меросни 7 улущдан тақсим қилинади.

2) Хотин ўлиб эри ота-она бир бўлган сингил ва ота бир сингилни қолдирган бўлса қуйидаги суратда бўлади:

Эр	ота-она сингил	bir	Ота бир сингил
1/2 =3		1/2=3	1/6=1

Демак, масала 6 дан 7 га авл бўлади, улушлар йиғиндиси 7

3) 6 ни 8 га авл бўлгани қуйидаги суратда:

Эр	ота-она	она
бир икки сингил		
1/2=3	2/3=4	1/6=1

Демак, масала 6 дан 8 га авл бўлади. Улушлар йиғиндиси 8 дир.

Майит эр, ота-она бир сингил ва она бир иккита сингилни қолдирган бўлса, қўйидаги суратда авл бўлади:

Эр	ота-она сингил	bir	Она бир икки сингиллар
1/2		1/2=3	1/3=2

Демак, масала 6 дан 8 га авл бўлди, чунки улушлар йиғиндиси 8 дир.

3) 6 нинг 9 га авл бўлгани қўйидаги суратда бўлади:

Эр	ота-она бир 2 та опа-сингил	она бир 2 та сингил
1/2=3	2/3=4	1/3=2

Масаланинг асли 6 ва у 9 га авл бўлади, чунки улушлар йиғиндиси 9 дир..

4) 6 нинг 10 га авл бўлганига мисол қўйидаги суратда бўлади:

эр	ота-она бир 2 сингил	она бир 2 та опа-сингил	она
1/2=3	2/3=4	1/3=2	1/3=1 онаға эрнинг улушида

			Н қолганин инг1/3
--	--	--	-------------------------

Демак, масала 6 дан 10 га авл қилинади.

5) 12 ни 13 га авл қилинишига мисол қуидагича бўлади:

Эр	ота-она бир 2 та сингил	она бир 1 та сингил
1/4=3	2/3=8	1/6=2

Улушлар йиғиндиси 13. Масаланинг асли 12, лекин у 13 га авл бўлади.

6) 12 нинг 15 га авл бўлганига мисол қуидагича бўлади:

Хотин	ота-она бир 2 та опа-сингил	она бир 2 та опа- сингил
1/4=3	2/3=8	1/3=4

Улушлар йиғиндиси 15. Масаланинг асли 12 дан 15га авл бўлади.

7) 12 ни 17 га авл бўлганига мисол қуидагича бўлади:

Хотин	ота-	она	она
	бир 2 та		

	она бир 2 та опа- сингил	опа-сингил	
1/4=3	2/3=4	1/3=4	1/6=2

Улушлар йиғиндиси 17, масала 12 дан 17 га авл бўлади.

8) 24 ни 27 га фақат бир авл билан авл бўлишига мисол:

Хоти н	2 қиз	она	ота
1/8=3	2/3=16	1/6=4	1/6=4

Улушлар йиғиндиси 27. Масала 24 дан. 27 га авл бўлади.

Бу масалага «Масалаи минбария» дейилади. Чунки ҳазрат Али розияллоҳу анху Куфа шаҳрида минбарда хутба қилаётганларида бу масала ҳақида сўралганлар. У киши эса дарҳол бу масаланинг ечимини минбардан туриб жавоб бердилар. Шунда сўраган киши: «Хотинга 1/8 берилмайдими?» - деб айтганида, у зот: «Хотиннинг 1/8 улуши 1/9 га айланди», дедилар. Одамлар у кишининг зийракликларидан ҳайратга тушдилар.

24 нинг авл сони (27) дан зиёда қилинмайди. Фақат Ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг наздларида 24, 31 гача авл бўлади.

Масала: 24 дан 31 га авл бўлганига мисол:

Хотин	она	ота-она бир 2 та сингил	она бир 2 та сингил	ўғил
1/8=3	1/6=4	2/3=16	1/3=8	маҳрум

Демак, Ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг назларида бу масала 24 дан 31 га авл бўлади., чунки маҳрум ўғил хотинни 1/4 дан 1/8 га ҳажб қиласади.

Бу масала бошқаларнинг наздида 12 дан 17 га авл бўлади, чунки маҳражларда 1/4 хотинга чунки, маҳрум ўғил хотинни 1/4 дан 1/8 га ҳажб қилмайди ва 1/6 онага, 2/3 ота-она бир опа-сингилларга, 1/3 она бир опасингилларга. Демак, масаланинг асли 12 бўлади.

Масаланинг сурати қўйидагича:

Хотин	она	ота-она бир 2 та сингил	она бир 2 та сингил
1/4=3	1/6=2	2/3=8	1/3=4

Улушларнинг жами: 17. Масаланинг асли 12 дан 17 га авл бўлади.

**Мавзуга доир таянч сўзлар:** *авл, рад, масъалаи минбария, маҳраҷс, маҳрум*

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сирия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фишариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка мукаррама, 1996-й.
4. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор аладуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
5. Муҳаммад ибн Аҳмад Саражсий, «Ал-Мабсут» Қоҳира, 1900-й.
6. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тухфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
9. Бурҳониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.

10. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## **РАДНИНГ ЛУҒАТ ВА ИСТИЛОҲДАГИ МАҶНОСИ ВА УНГА ДОИР ҚОИДАЛАР**

Рад луғатда: қайтариш маъносидадир. Аллоҳ таолонинг сўзига ўхшаш

﴿...فارتدا على آثارها قصصا﴾

яъни: «Сўнг (Хизрни қидириб) изларига қайтдилар».(Каҳф-64)

Рад Авлнинг зиддиидир. Чунки Авл бу масаланинг аслига зиёда қилишлик, рад эса масаланинг аслидан туширишdir.

Истилоҳда эса: Фарз эгаларининг улушларидан ортиб қолганини агар улар ичида асаба бўлмаса, ўзларига қайтариш. Бу қайтариш эса уларнинг ҳақлари миқдорича бўлади ва шунинг учун хам Сажовандий розияллоҳу анҳу: «Рад-Авлнинг зидди, фарз эгаларидан ортиб қолган нарсани, агар бунга ҳақли одам топилмаса ўзларининг ҳақлари миқдорича фарз эгаларига қайтарилади, фақатгина эр-хотин бундан мустасно, чунки уларга қайтариlmайди» деб айтганлар.

Бизнинг замонимизда байтулмол йўқлиги сабабли, мерос тақсимотидан ортиб қолган улушни насабий фарз эгалари ва завил арҳомлар бўлмаган ҳолда эр-хотинга қайтарилади.

Ортиқча улушни фарз әгалариға Рад (қайтариш) борасидаги мазҳабларнинг фикри:

1. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу айтдилар: Ортиб қолган улуш фарз әгалариға қайтариlmайди, балки байтулмолга қўйилади. Бу Имом Шофеъий ва Молик розияллоҳу анҳу сўзлари ҳамdir.

2. Кўпчилик сахобалар ва ҳанафий уламоаларининг фикрига кўра эса, қолган молни фарз әгалариға қайtariллади. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини далил қиладилар:

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَى بِيَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ (الأنفال - 75)

(75)

“ Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бirlарига (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиdir.” (Инфол сураси-75)

Чунки Аллоҳ таоло қариндошлини байтулмолдан олдин зикр қилди. Агар фарз әгаларидан ва асабалардан ҳеч ким топилмаса, қариндош бўлган завил-арҳамларга берилади ва байтулмолга қўйилмайди. Шунингдек агар фарз әгалари бор бўлсалар уларга қайtariллади ва байтулмолга қўйилмайди.

## РАД БОБИДАГИ ТЎРТ ҚОИДА

1. Қоида: Масалада уларга рад қилинадиган кишилардан бир навъ бўлса, уларга рад қилинмайдиган меросхўрлар (эр хотин) йўқ бўлса, масала уларнинг сонларидан эътибор қилиб

олинади. Мисол: бир киши ўлиб иккита қиз ёки иккита сингил ёки икки бувиларни қолдирди, бу суратларда масала 2 дан қилинади ва улардан ҳар бирига ярим берилади.

2. Коида: Агар масалада уларга рад қилинадиган меросхўрлардан икки навъ ёки уч навъ жамланса, уларга рад қилинмайдиган меросхўрлар йўқ бўлса, бунда масала уларнинг улушларининг сонини эътибори билан бўлади. Мисоллар:

а) Бир киши ўлди ва буви, она бир опа ёки сингилни қолдирди. Масаланинг асли 6 дан ва лекин бошқа меросхўр йўқ бўлгани учун масала 2 дан қилинади, бу эса уларнинг улушларининг сонидир ва улар орасида тенг тарқатилади, агарчи улардан ҳар бирининг насибаси Рад қилишдан олдин  $1/6$  бўлса ҳам.

б) бир киши ўлиб она ва онанинг болаларини қолдирди. Онага  $1/6$  бўлади. Онанинг болаларига  $2/3$ . Демак масала 6 дан бўлади, лекин бошқа меросхўр йўқ бўлганлиги учун масала 3 дан қилинади:  $1/3$  онага ва  $2/3$  онанинг болаларига берилади.

в) майит қиз ва ўғилнинг қизи ва онани қолдирса, қизга  $1/2$  ярим, ўғилнинг қизига  $1/6$ , онага  $1/6$  демак улушлар 5 бўлади ва 1 улуш ортиб қолади, (масаланинг асли 6 дир) ва шунинг учун масала улушларнинг сонини эътибори билан бўлади: 3 улуш қизга, 2 улуш ўғилнинг қизи ва опага биттадан берилади.

3. Коида — рад қилинадиган меросхўрларнинг бир навъи билан рад қилинмайдиган меросхўрлар бўлса, аввало

рад қилинмайдиган меросхўрнинг фарзи берилади. Сўнгра эса қолгани рад қилинадиган меросхўрларга тарқатилади.

Масалан: бир аёл вафот этиб, ундан эр (у рад қилинмайдиган меросхўр) ва Зта қиз қолди. Масала 12дан хисобланади, чунки масалада  $\frac{1}{4}$  билан  $\frac{2}{3}$  бирга келган. Эрга (масалани 4га рад қилиб бўлганимиздан кейин) 4 дан 1 улуш берилади ва 3 қолади, 3 улушни эса, учта қиз орасида тарқатилади ва агар рад қилинмаганда эди 3 қизлар 8 улуш олар эдилар ва 1 эса ортиб қолган бўларди.

Коида: рад қилинадиган меросхўрларнинг икки ёки уч навъи билан рад қилинмайдиган меросхўр бўлса, унга рад қилинмайдиган меросхўр улушкининг маҳражидан қолган нарсани унга рад қилинадиган меросхўрнинг масаласига тақсимланади. Масалан: Майит ўлиб хотин, буви ва 6 та она бир опа-сингил қолдирди. Хотинга  $\frac{1}{4}$ , бувига  $\frac{1}{6}$  ва опа сингилларга  $\frac{1}{3}$ . Демак масала 12дан:  $\frac{1}{4}=3$  хотинга берилади. 9 қолади бошқа меросхўрларга, агар  $\frac{1}{6}=2$  бувига берилса ва  $\frac{1}{3}=4$  опа-сингилларга берилса, жами берилган улуш 6 бўлади. Масала аслидан 3 ортиб қолади. Лекин биз рад қилдик ва қолган ҳаммасини буви билан опа-сингилларга ҳеч нарсани қолдирмай тарқатдик: Агар хотинга  $\frac{1}{4}$ нинг энг кичик маҳражи (4)дан ўз улушкини берсак, 3 қолади ва буви билан опа-сингиллар орасида тақсимланади:  $\frac{1}{3}$  бувига,  $\frac{2}{3}$  эса опа-сингилларга берилади.

**Мавзуга оид таянч сўзлар:** авл, рад, маҳраж, улуш.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Мұхаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-Сирожия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Мұхаммад Али Собуний, «Ал-маворис фи шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Мұхаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
12. Мұхаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор алад-дуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
13. Мұхаммад ибн Аҳмад Саражсий, «Ал-Мабсүт» Қоҳира, 1900-й.
14. Алоуддин Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
15. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
16. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
17. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
18. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
19. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## Мавзу № 4

### МЕРОСГА ДОИР МУҲИМ ИСТИЛОҲЛАР ВА УЛАРГА МИСОЛЛАР

а) Икки ададнинг тамосули, тадохули, тавофуқи ва табойуни ва уларни билиш йўли.

б) Оз тарикани ворислар ва қарз эгалари орасида тақсимлаш йўли.

в) Бирор вориснинг бир нарса эвазига ўз улушкидан воз кечишга рози бўлиши

а) Икки ададнинг тамосули деб, бири бошқасига teng бўлишига айтилади. Масалан, уч билан уч бир-бирига тамосулдир.

б) Икки ададнинг тадохули деб, икки ададнинг каттаси кичкинасига касрсиз, соғлом тақсимланишига айтилади. Масалан 6 билан 3 ни олсак, олти учга ҳеч қандай касрсиз тақсимланади. Ёки 9 билан 3 ни олсак, бу икки адад ўртасидаги муносабатни тадохул дейилади.

Тўрт истилоҳий сўзларнинг таърифлари ва мисоллари

1) Икки соннинг тамосули: Икки соннинг бири бошқасига teng бўлиши. Масалан: 3 билан 3

2) Икки ададнинг тадохули: Икки соннинг каттаси кичигига касрсиз, соғлом бўлинишига айтилади. Масалан: 6 билан 3. Чунки 6 касрсиз 3 га бўлинади. Ёки 9 билан 3. Бу икки сон орасидаги нисбат тадохулдир. 3 билан 3 нинг орасидаги нисбатга тамосул дейилгани каби.

3) Икки соннинг тавофи: у икки соннинг озроғи каттасини йўқ қилмайдиган (бўлмайдиган) бўлиши, лекин у икки сонни учинчи сон йўқ қиласди. Масалан: 8 билан 20 чунки, 8 20 ни йўқ қилмайди (бўлолмайди). Лекин бу икки сонни 4 йўқ қила олади. (8 ни икки мартада, 20 ни 5 мартада. Демак, бу икки сонларнинг орасидаги нисбат тавофукдир. Бу икки сон (рубъ) тўртдан бир билан мутавофиқ бўладилар, чунки тўртдан бирнинг маҳражи бўлган 4 уларни йўқ қиласди. (Бу нарсани риёзиётда умумий бўлувчи топиш дейилади).

4) Икки соннинг табойуни: у икки сонни учинчи сон йўқ қилмаслиги. Масалан: 9 билан 10 булар орасида нисбат табойундир. (Табойун – луғатда бир-биридан фарқли деган маънодадир).

Мулоҳаза: 1 сони аҳли ҳисоб (риёзиётшунослар) наздида адад эмас, балки ададнинг бир жузъидир. Уларнинг назларида адад (сон) иккidan бошланади.

Бу тўрт нарсани билиш йўли:

Тамосул ва тадохулни билиш йўлини зикр қилишга ҳожат йўқ, чунки тамосул ва тадохулни ададни билган киши билаверади. Аммо мувофақани билиш йўли эса: катта сондан кичик соннинг миқдорича олиб ташланади. Бир маротаба ёки икки маротаба қолган сон ва вифқ (у сабабли икки сон орасида мувофиқат ҳосил бўладиган жузъ) бўлади. Масалан: 8 билан 12. Чунки агар 12 дан 8 ни олсак, бундан 4 қолади. Демак, бу икки сон орасидаги тавофук бир турт (рубъ) биландир.

(Ва агар ҳеч нарса қолмаса икки сон орасидаги нисбат тадохул бўлади. Масалан: 6 билан 3 ). Ва агар катта сондан кичик сонни айрилгандан кейин қолган сон 3 бўлса мувофақат сулус (учдан бир) билан бўлади. Ва агар 5 бўлса (хумс) бешдан бир билан ва ҳаказо.

Мубойана (табойунлигини билиш йўли): катта сондан кичик сон миқдорича бир маротаба ёки икки маротаба айрилади ва қолган сон фақат 1 бўлади. Масалан: 9 билан 10. Чунки, агар 10 дан 9 айирсак, бир маротабада 1 қолади.

Бу нарса, яъни вифқ жузидан нисф (ярим), сулс (учдан бир), рубъ (тўртдан бир), ва шунга мисоллар билан келтириш, 2 дан 10 гача бўлган сонлардадир. 10 дан юқори сонларга эса 11 ва 15 масалан, буларда вифқ жузъидан 11 нинг бир жузъи ва 15 нинг бир жузъи билан таъбир қилинади. Яъни, тавофук катта сонларда, аниқроғи тавофук 10 дан юқори сонлар билан бўлса, биз зикр қилганимиздек, қуйидагича айтилади: фалон сон ва фалон сон ўртасидаги тавофук 11 нинг бир жузъи билан деб ва ҳаказо. Масалан: 22 билан 33 бу икки сонни йўқ қиласиган адад 11 фақат. Демак, булар 11 нинг жузъи билан мувофиқ бўладилар ва яна 30 билан 45 булар 15 нинг бир жузи билан тавофук бўладилар ва 15 буларни йўқ қилгувчи сондир.

## **ОЗ ҚОЛГАН ТАРИКАНИ МЕРОСХЎРЛАР ВА ҚАРЗ БЕРГАН КИШИЛАР ОРАСИДА ТАРҚАТИШ ЙЎЛИ**

Агар қарз берганлар бир неча бўлиб, тариқа қарзларнинг ҳаммасига етмайдиган бўлса, ёки қолган тариқа меросхўрлар улушининг ҳаммасига етмайдиган бўлса, ҳар бир қарз берган ва ҳар бир меросхўрнинг насибасини билишга эҳтиёж туғилади. Буни оддий услуб билан билишлик ва тақсимлаш мумкин. Қолган мол уларнинг қарzlари ва улушлари миқдорича улардан биронтаси маҳрум бўлмайдиган қилиб оддий тарқатиш илиа тарқатилади.

## **БАЪЗИ МЕРОСХЎРЛАРНИНГ БИРОР НАРСА ОЛИШ ЭВАЗИГА ЎЗ УЛУШИДАН ВОЗ КЕЧИШЛИККА РОЗИ БЎЛИШЛАРИ**

Агар меросхўрлар баъзиларини ўзига хос бўлган меросдан қолган молдан маълум бир нарса баробарига чиқиб кетишилигига сулҳ қилсалар, бунга «Тахоруж» деб аталади. Яъни, улардан бирини тақсимдан олдин маълум бир нарсани олиш эвазига меросдан чиқиши бошқа қолган меросхўрлар ҳам буни қабул қилишиликларига «тахоруж» дейилади. Меросда ўзаро сулҳ қилишилик жоиздир, бунга Аллоҳ таолонинг сўзи далилдир. الصلح خير яъни: «Сулҳ яхшидир» ва яна Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг Тамозир деган хотинлари ўз улушкидан (ва у саккиздан бирнинг тўртдан бири) 83 минг дирҳам эвазига сулҳ қилганлар. (Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг 4 та хотинлари бор эди). Бу воқеа Саййидимиз Усмон розияллоҳу анҳунинг замонларида сахобалар гувоҳлигида бўлган ва ҳеч ким бу ишни инкор қилмаган. (Бу қиссани Имом Абдураззок «Мусаннаф» деган асарларида ва Ибн Саъд «ат-Табақот» да ривоят қилганлар).

Ким тарикадан маълум бир нарсага сулҳ қилса, унинг насибаси тасхихдан олиб ташланади, сўнгра қолган тариқа (сулҳ қилувчи чиққанидан кейин) қолган меросхўрлар орасида уларнинг улушларига тақсимланади.

Масалан: эр, она ва амаки қолган бўлса, масала 6 дан тасҳих қилинади. Эрга ярим ва у 3, онага 1/3 ва у 2, амакига бир асабалик билан, лекин ўлган хотиннинг маҳри эрга қарз эди ва эр ўз зиммасидаги хотиннинг маҳрига сулҳ қилиб ўртадан чиқди. Қолган мол (3 улущ) она билан амакининг ўртасида учдан бир қилиб тақсимланади.

***Мавзуга оид таянч сўзлар:*** тамосул, тадохул, тавофук, табойун, тахоруж.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сиюжия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фишшариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
20. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор аладдуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
21. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий, «Ал-Мабсут» Қоҳира, 1900-й.
22. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тухфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.

23. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
24. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
25. Бурҳониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
26. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
27. Сирожуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## МАВЗУ: 5

### БОБОНИНГ АКА-УКА, ОПА-СИНГИЛЛАР БИЛАН МЕРОС ОЛИШ КАЙФИЯТИ

а) Муқасаманинг луғавий ва истилоҳий маъноси ва унга мисоллар

б) Ақдария масаласи

в) Муносаханинг луғат ва истилоҳдаги маъноси ва унга доир татбиқий мисоллар

Бобонинг муқосамаси луғатда бобони мерос тақсимлашда ака-укаларнинг биридек қилмоқлийдир. Истилоҳда эса: ака-ука, опа-сингилларни бобо билан биргаликда ворис қилиш ва мерос улар билан бобо ўртасида тақсимланишилигига айтилади ва бу нарсани фароиз китобларида муқосаматул-жад дейилади.

Бобонинг муқосамаси ҳақидаги саҳобалар ва имомлар тутган мазҳаблари:

1. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ва у кишига эргашган саҳобалар (Иbn Аббос, ibn Зубайр, Иbn Умар, Хузайфа ibn Яман, Абу Саъид ал-Худурий, Убай ibn Каъб, Муъз ibn Жабал, Абу Мусо ал-Ашъарий, Оиша. (Аллоҳ улардан рози бўлсин) айтганлар: Банул аъён ва банул аллот (ота-она бир ёки ота бир ака-укалар) бобо билан бирга мерос олмайдилар (ота билан олмаганлари каби). Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу ва тобеъинлардан кўпининг сўзи ҳам шудир.

2. Зайд ibn Собит, Али, ibn Масъуд розияллоҳу анҳу айтадиларки: улар бобо билан бирга мерос оладилар. Бу эса

имомайн, Молик, Шофеъий ва Аҳмад розияллоҳу анҳунинг сўзлариdir. Аммо Банул ахёф (она бир ака-укалар) бобо билан бирга бўлганда уламолар ижмоъси билан меросдан тушадилар. Бизнинг наздимизда фатво Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг сўзларига берилган, бу гап Сарахсий розияллоҳу анҳунинг «Мабсут»ида ёзилган. Шунинг учун ҳам мусанниф (Сажовандий) Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг наздидаги муқосама услубини зикр қилдилар ва айтдилар: «Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу наздларида бобо банул аъён ва банул аллот (туғишган ва ота бир ака-ука, опа-сингил)лар билан бўлса унга муқосама ва ҳамма молнинг 1/3дан афзалроғи тегади ва муқосаманинг маъноси бобо тақсимда ака-укаларнинг биридек қилинмоғидир. Агар бобога молнинг ҳаммасини 1/3 кўп бўлгани учун яхши бўлса унга шу берилади ва агар ака-укаларнинг улуши унга яхши бўлса унга ака-укаларнинг бирини улуши берилади. Банул-аллот агарчи банул- аъёнлар билан мажхуб бўлсалар ҳам лекин қисматда бобонинг улушкини камайтириш учун кирадилар. Бобо ўз насибасини олса, ота бир ака-ука опа-сингиллар орадан ҳеч нарсасиз чиқадилар, қолган мол (бобонинг улушкидан қолгани) банул аъён (ота-она бир ака-ука, опа-сингил)га берилади. Фақатгина банул аъёнлардан битта опа ёки сингил бўлса у ўз улуши бўлмиш умумий молнинг ярмини бобонинг улушкидан кейин олади ва бу суратда бирор нарса қолса у банул аллот (ота бир ака-ука, опа-сингил)ларга бўлади, агарда ҳеч нарса қолмаса уларга ҳеч нарса берилмайди. Масалан: бобо, ота-она бир сингил ёки она ва ота бир икки сингил, бу ерда

Муқосама (яъни бобони ака-ука, опа-сингилларнинг биттасидек қилишлик) бобога афзал ва яхшироқ. Чунки бобо меросда бу жойда икки сингил кабидир. Демак меросхўрлар сони ҳукман 5 та бўлади. Бобога икки улуш (чунки у акага ўхшаш) ва ота-она бир сингилга ярим (ҳамма молнинг ярми) ва у 2,5 бўлади, ота бир икки сингилга бир улушнинг ярми 0,5 тегади. Шундай қилиб муқосамада бобо 5дан 2 улуш олади ва ҳамма молнинг  $\frac{1}{3}$ да эса 6 дан икки улуш олар эди. Демак муқосама унга  $\frac{1}{3}$ дан яхшироқ. Ва агар бу масалада ота бир икки сингил эмас балки бир дона ота бир сингил бўлганда унга ҳеч нарса тегмас эди. Чунки бобо 2 сингил ўрнида ва ота-она бир сингил ва ота бир сингил ҳаммаси 4 та бўладилар, ва бобо ярмини олса, ярми 2 бўларди, қолган ярмини ота-она бир сингил олади, ота бир сингилга ҳеч нарса қолмайди. Агар бобо билан банул аъён ва аллотларга бошқа бир улуш эгаси аралашса, бобога бошқа улуш эгаси ўз улушкини олгандан кейин уч ҳолатнинг бири берилади.

1) Муқосама яъни бобо ака-укаларнинг бирига ўхшаш бўлади. Масалан: эр, бобо, ака қолган бўлса, эрга ярим  $\frac{1}{2}$ , бобога ва акага қолган ярми, демак бобога молнинг ҳаммасининг  $\frac{1}{4}$  бўлади, бу эса унга яхшироқдир. Чунки агар унга қолган молнинг  $\frac{1}{3}$  бўлса, унга ҳамма молнинг  $\frac{1}{6}$  текган бўлади бу ўринда эса бобога нуқсон етади.

2) Ёки қолган молнинг  $\frac{1}{3}$  берилади, масалан: бобо, буви, иккита ака-ука ва битта сингил қолса, бунда, масала 6дан:  $\frac{1}{6}$  бувига, бобога қолган молнинг  $\frac{1}{3}$  (ва лекин бу ерда қолган 5нинг  $\frac{1}{3}$  йўқ демак бу 5ни  $\frac{1}{3}$ нинг маҳражига

кўпайтирамиз 15 бўлади. 5 бобога, 10 эса 2 та ака-ука ва 1 та опа-сингил орасида бир эркакга 2 аёл улуши асосида бўлинади. 2 та ака-ука 8 тегади, 1 та сингилга 2 тегади.

3) Ёки ҳамма молнинг 1/6 тегади. Масалан: бобо, буви, қиз ва 2 та ака-ука, қолган бўлса масала 6 дан яrim бўлади 1/2 билан 1/6 жамлашганлиги учун. Демак қизга яrim 1/2 ва бу 3 бўлади, бувига  $1/6=1$  ва 2 улуш қолади агар бобо 2 та ака-укалар билан муқосама қилса, унга икки улушнинг 1/3 тегади (чунки у бу суратда учинчи ака ёки ука ўрнидадир) ва бу эса ҳамма молнинг 1/6дан оздир. Шунинг учун ҳамма молнинг 1/6 берилади ва 1 улуш 2 та ака-укаларга қолади ва уларга 1 тўғри келмайди (касрли бўлади) шунинг учун меросхўрлар сонини (ва у 2) масала аслига (ва у 6дир) кўпайтирамиз 12 бўлади. Бувига 2 (яъни 1/6 тегади) ва бобога ҳам 1/6 (2 улуш), қизга яrim (6 улуш бўлади) ва икки ака-укага 2 улуш қолади.

Бобога ака-укалар билан бўлган муқосамадан кўра 1/6 яхши эканлигига иккинчи мисол:

Бир аёл ўлиб, бобо, эр, қиз, она, ота-она бир сингил ёки ота бир сингил қолдирди ва 1/6 бобога яхшироқдир. Масала 12 дан ва 13 га авл бўлади. Сингилга ҳеч нарса тегмайди.

Шарҳ: қизга 1/2 яrim (6), эрга 1/4 (3), бобога 1/6 (2), онага 1/6 (2) йиҚинди 13 ва лекин маҳраж 12 ҳамма улушларни сиғдира олмайди. Ва 13 га авл бўлади. Сингилга ҳеч нарса берилмайди чунки у қиз билан асабага айланган ва ҳолбуки масалада асабаларга фарз эгаларининг улушларидан ҳеч нарса қолмади, демак сингил ҳеч нарса олмайди. Муқосамада эса бир улуш бобо билан сингилга қолар эди ва

шу билан бобонинг улуши 26дан бир жуз бўлиб қолар эди бу эса 13 дан 2 жуз улушдан камроқдир.

## **б) АКДАРИЯ МАСАЛАСИ**

Бир аёл вафот этиб, эр, она, бобо, туғишиган ака, сингил ёки ота бир сингил ворис булса, эрга ярим=3, акага  $1/3=2$ , бобога  $1/6=1$ , сингилга ярим=3 сўнгра бобо ўз насибасини сингилнинг насибасига қўшади (яъни бобо муқосама қилади) ва «бир эркакга икки аёл улуши» асосида тақсимлайдилар. Чунки муқосама бобога яхшироқдир. Демак масаланинг асли бдир 9 га авл бўлади ва 27дан тасҳих қилинади, чунки бобо ва сингилнинг улушлари 4 тадир. Меросхўрларнинг ҳукмий сони 3тадир (бобо 2 та ака ўрнида ва битта сингил). Демак биз 3-ни масаланинг авл сонига (ва у 9дир) кўпайтирамиз, 27 бўлади. Эрга 9, онага 6, қолган 12 эса бобо билан сингилнинг улушларидир, бобога 8, сингилга 4 берилади..

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу туғишиган сингилни ва ота бир сингилни бобо билан масаладаги бошқа жойда фарз эгаси қилмайдилар. Бу масала «акдария» деб номланади, чунки бу Бани Акдар қабиласига мансуб бўлган аёлнинг воқеасидир. Агар бу масалада сингил ёки опа ўрнида ака ёки 2 та опа-сингил бўлганда, авл қилишга ҳожат бўлмас эди. Чунки агар ака ёки ука бўлса, у асаба бўлар эди ва масала асаба сабабли авл бўлмайди. Демак ярим  $1/2=3$  эрга,  $1/6=1$  бобога ва  $1/3=2$  онага тегар эди ва агар иккита опа ёки сингил бўлса шунингдек эрга ярим 3, онага  $1/6=1$  (иккита опа-сингил сабабли), ва икки опа сингилга  $1/6$  ва қолган  $1/6$  эса бобога, натижада авлга ҳам, акдарияга ҳам ҳожат қолмасди. Аммо

авлга ҳожат қолмаслигининг сабаби шуки, икки опа-сингил онани 1/6га хажб қиласидилар. Ақдарияга ҳожат қолмаслиги эса, Зайд ибн Собит розияллоху анхунинг қоидалари бу ерда түғридир, чунки у зот ота-она бир сингилни ёки ота бир сингилни фақатгина бу масала, яъни, ақдарияда фарз эгаси қиласидилар, бу ўринда эса икки опа-сингил фарз эгаси қилинмади балки уларни бобо сабабли асаба қилинди.

## **в) МУНОСАХА**

Мунасаха тушунчаси луғатда ва истелоҳда.

Муносаха луғатда: кўчириш, ўзгартириш маъносида келади. Шу маънода араб тилида نسخت الكتاب дейилади, яъни, китобни кўчирдим маъносида ва نسخت الشمس الظلل дейилса, қуёш сояни кетказди маъносидадир.

Истилоҳда эса: баъзи ворисларнинг насибаси ўлим сабабли (тақсимдан олдин) ундан мерос оладиган кишига ўтиб кетишига айтилади. Агар баъзи улушлар тақсимдан олдин меросга айланиб қолса у қуидагича тарқатилади:

1) Бир аёл вафот этиб, унинг эри, кизи, ва онаси қолди.

2) Кейин тақсимдан олдин эр ўлди, ворис булиб ота ва онаси қолди.

1) Сўнгра қиз ўлди 2 та ўғил, қиз ва буви қолдирди.

2) Сўнгра буви (биринчи маййитнинг онаси) ўлди эр, 2 та ака-ука қолдирди. Демак, бу ерда 4 та сурат мавжуддир.

(Салима) масала 12 дан сўнгра 4 га рад қилинди, 16дан тасхих қилинади.

1- майитит (Салима)		
Эр Зайд	қиз Карима	Она Азима
1/4	1/2	1/6

(Зайд) масала 4дан ва майитнинг қўлида ҳам 4 улуш бор эди.

2- майит (Зайд)		
Хотин	она	ота
1/4	қолганининг 1/3	2/3 асабаликга кўра

(Карима) масала 6дан ва 18дан тасҳих қилинади.

3- майит (Карима)		
Қиз	2 та ўғил	буви
1/6	4/6	1/6

(Азима қизнинг бувиси, аввал вафот қилган аёлнинг онаси) масала 6 дан 4 дан тасҳих қилинади.

4- майит (Азима)	
Эр	Иккита ака-ука
1/2=2	1/2=2

Биз осонлаштириш учун аввалги майитни (Салима) иккинчиси (Зайд), учинчисини (Карима), тўртингчисини (Азима) деб номладик.

1) Демак биринчи масала раддийдир,  $1/4$  (эрга) ва ярим  $1/2$  (қизга) ва  $1/6$  (онаға) жамлашганлиги учун, чунки эр бу улушлардан 3 тасини, қиз 6 тасини, она 2 тасини олсалар, улардан бир улуш ортиб қолади ва уни қиз билан онаға улушлари миқдорicha қайтарилади. Демак, масалани унга рад қилинмайдиган меросхўр (эр) фарзининг маҳражини энг кичигига рад қилдик. Маҳражини энг кичиги эса 4 дир. Эр бундан бир улуш олса, 3 улуш қолади. 3 эса қиз билан онанинг улушларига тўғри келмайди. Чунки улушлар 4 та (бир улуш онанинг улуши 3 улуш қизнинг улуши). Демак биз улушлар сонини яъни, меросхўрлар сони ўрнида бўлган улушлар сонини  $1/4$ нинг энг кичик маҳражи бўлган 4га кўпайтирдик. 16 ҳосил бўлди, шундан эрга 4 улуш, қизга 9 улуш, онаға 3 улуш.

2) Иккинчи майит қўлидаги улушлар (Зайднинг улушлари) 4 тадир. Бир улуш онасига (хотиннинг улусидан кейин қолган молнинг  $1/3$ ) ва бир улуш хотинига, қолгани эса отага, бошқа нарсага ҳожат йўқ, демак иккинчи масала сахих, авлсиз ва радсиз тақсимланди.

3) Учинчи майит (Карима)нинг қўлида 9 улуш бор эди. Олтидан бири ( $1/6$ ) бувисига, қолгани 2 ўғил ва 1 қиз орасида «бир ўғилга икки аёл улуши» асосида тақсимланади ва масала бу ерда 6 дан бўлади ва бувининг улусидан кейин 5 қолади. 1 улуш қизга, 4 улуш 2 ўғилга улуш қилиб берилади ва бу ерда иш ниҳоясига етади ва лекин майитнинг (4чи майитнинг) қўлидаги 9 улуш билан масала асли 6 нинг орасида ( $1/3$ ) сулс билан мувофақат бор ва бининг  $1/3$ ни (2 ни) аввалги тасҳихга

16 га кўпайтирамиз 32 ҳосил бўлади ворисларнинг улушкини аниқлаш мақсадида, аввалги маййитнинг ворисларидан бўлган эр (Зайд)нинг 4 улушкини 2 га кўпайтирамиз 8 бўлади ва онанинг 3 улушкини ҳам 2 га кўпайтирамиз 6 ҳосил бўлади. Қизнинг улуши 9 улушни 2 га кўпайтиридик 18 бўлди. Демак учинчи маййитнинг (Кариманинг) қўлидаги улушлар 18 га айланди бувига  $1/6=3$ , қизга 3 улуш, ҳар бир ўғилга 6 улущдан берилади.

4) Тўртинчи маййит (Азима) қўлидаги улушлар 9 та эди. Эрга яrim, қолган яrimи эса икки ака-укага ва улушлар сони ва меросхўрларнинг сони ўртасида мубояна бўлганлиги учун, зеро битта улуш иккита ворисга бўлиб қолди, биз мерослар сонини 2 ни масаланинг асли у ҳам 2га кўпайтирамиз, 4 ҳосил бўлади. (Демак 2 улуш эрга ва икки улуш икки ака-укага бир улущдан) ва лекин масаланинг асли 4 ва тўртинчи маййит қўлидаги нарса 9 улуш орасида мубояна бор. Шунинг учун 4 ни учинчи тасҳих (ва у 32) кўпайтирамиз 128 ҳосил бўлади ва ҳар бир меросхўрнинг улушкини аниқлаш мақсадида – 32 дан эрнинг 8 улушкини 4га кўпайтирамиз (4 эса бувининг масаласининг асли) эрга 32 ҳосил бўлади. Онанинг улушкини (32)дан ва 6 дир 4га кўпайтирамиз. Онага 24 бўлади сўнгра (32 дан) қизнинг насибаси бўлган 9ни 4га кўпайтирамиз 36 ҳосил бўлди қизга, сўнг тўртинчи маййитнинг меросхўрларининг улушларидан эрнинг 4дан оладиган 2 улушкини тўртинчи маййит бўлган бувининг қўлидаги 9 га кўпайтирамиз 18 эрга бўлади ва 4 дан икки ака-уқанинг насибаси бўлган 2ни 9га кўпайтирамиз у икковига

---

ҳам 18 бўлади ҳаммасининг йиқиндиси 128  
(32+24+36+18+18=128).

**Мавзуга оид таянч сўзлар:** муқосама, акдармя масаласи, тахоруж.

**Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сирия». Мадина Мунаввара, 1992-й.

2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фишариатил-исломия», Лубнон

3. Носир ибн Муҳаммад Қомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.

28. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор аладуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.

29. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий, «Ал-Мабсут» Қоҳира, 1900-й.

30. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тухфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.

31. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.

32. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълилил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.

33. Бурҳониддин ал-Марқиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.

34. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
35. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## **Ш-БОБ. ЗАВИЛ-АРХОМ ВА АСАБА ХАҚИДА МАЪЛУМОТ**

### **МАВЗУ № 1**

#### **ЗАВИЛ АРХАМ МАЪНОСИ ВА УНИНГ ҚИСМЛАРИ**

**а) Завил-архомнинг маъноси**

**б) Завил-архомнинг мерос олиши ҳақидаги мазҳаблар**

**фикри**

**в) Завил-архом синфлари**

Зур-раҳм луғатда: мутлақо фарз эгаси бўлсин ёки асаба бўлсин ёки бошқаси бўлсин қариндош бўлган шахсга айтилади.

Шариатда эса: Аллоҳнинг китобида ёки Расулиниңг суннатида ёки ижмоъ билан белгиланган улуш эгаси бўлмаган ва ёлғиз бўлганда ҳамма молни оладиган асаба ҳам бўлмаган ҳар бир қариндош шахсга айтилади.

Завил-архомни меросхўр қилиш ҳақидаги мазҳаблар.

1. Саҳобаларнинг кўпчилиги (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Завил архомларни ворис қилишни лозим билар эдилар ва бу гапга бизнинг имомларимиз ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу эргашганлар.

2. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу айтганлар: Завил архомларга мерос йўқ агар фарз эгалари ва асабалар йўқ бўлса, маййитнинг моли байтулмолга қўйилади. Бу гапга имом Шофеъий ва Молик розияллоҳу анҳу эргашганлар.

Биринчи мазхабнинг далили Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи:

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَى بِعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ (الأنفال-75)

**«Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирларига (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиdir. (Анфол сураси-75-оят)**

ва Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Тоға меросхўри йўқ кишининг меросхўридир, унинг жаримасини тўлайди ва ундан мерос олади» сўзларидир. (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Можа ривоятлари)

### Икки мазҳаб орасидаги таржих.

Далилларни солиштирганимизда Ҳанафийлар ва Ҳанбалийлар тутган йўл далилга назаран кучлидир ва хужжат жиҳатидан равshan, баёни эса зоҳир эканини биламиз. Хусусан, бу кўпчилиг сахобаларнинг ва тобеъинларнинг тутган йўлидир, ҳамда бу далили кучли воқеъликга яқинроқ, йулдир. Чунки, биз нинг асримизда интизомли мусулмонлар байтул моли топилмайди. Хусусан бу Ислом душманлари мусулмонларнинг бирлигига раҳна solaётган, жамоатларини парчалаётган ва уларни бир-бири билан уришиб юрадиган ҳукумат ва давлатларга бўлиб ташлаётган кунимизда яққол билинади. (Албатта биз Аллоҳникимиз ва албатта унга қайтажакмиз).

Шунинг учун ҳам кейинги Моликий, Шофеъий уламолари Байтул молнинг низоми бузилганидан кейин хижрий III асрда фатво берилган ки: Завил арҳом байтулмолдан олдин қўйилади» балки бу фикр уларнинг наздларида мусулмонларнинг фойдасини қилиб айтилган фатвога айланди. Шунга асосан, учинчи хижрий асрдан то хозиргача барча фуқаҳолар завил-арҳомнинг мерос олишига иттифок килган.

## **ЗАВИЛ АРҲОМЛАРНИНГ МЕРОС ОЛИШИНИНГ КАЙФИЯТИ ҲАҚИДАГИ МАЗҲАБЛАР**

1) Аҳлур-роҳм мазҳаби — бу мазҳаб завил арҳомларнинг ҳаммасини мерос олишда баробар қиласи, яъни завил арҳомлар яқин бўлсин ёки узок қариндош бўлсин орасини ажратмай ворисга айланади, эркак ва аёл ўртасини ҳам ажратилмайди. Бу мазҳабга кура, ҳар бир завил арҳом мерос олади, чунки мерос олишликнинг сабаби «Роҳм» қариндошлик бу эса ҳаммасида мавжуддир (шунинг учун ҳам уларга «аҳлур-роҳм» дейилади).

2) Ахлут-танзил мазҳаби — бу Завил арҳомларнинг ворис фарзандларини ўз асли (ота онаси) ўрнига туширишдир. Улар бор меросхўрларга қарамайдилар, балки уларнинг фарз ва асаба эгалари бўлган аслларига қарайдилар. Демак улар Завил арҳомдан бор мавжуд меросхўрга унга нисбатланадиган аслининг насибасини берадилар. Бу Имом Аҳмад розияллоҳу анхунинг мазҳаблари ва бу гапга Шофеъий, Моликий ва кейинги фақихлар эргашганлар. Ва бу мазҳаб Аҳли танзил

мазҳаби деб номланади, чунки Завил арҳомлардан бўлган фарзанд меросхўрни фарз ва асаба эгаси бўлган аслининг ўрнига туширган.

3) Аҳли қароба мазҳаби — бу аввал даражанинг яқинлигини, сўнgra қаробат қувватини Завил арҳомларнинг мерос олишлигига эътибор қилишликдир. Бунда асабаларга қиёс қилинган, чунки асабаларда меросга ҳақли бўладиган киши маййитга яқинроғи, сўнgra ундан кейинги яқинроқ киши. Бу мазҳабни «Аҳли қароба» деб номланишилигининг сабаби, бу мазҳаб аҳли қаробат даражасига ва қувватига таянадилар.

Завил арҳомларнинг тўрт синфларга тақсимлашлик ҳам шу мазҳабга хосдир. Бу мазҳаб Али ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳунинг мазҳабидир ва бу гапга ҳанафий имомлар эргашганлар.

## **ЗАВИЛ-АРҲОМНИНГ СИНФЛАРИ**

Завил-арҳомнинг тўртта синфи бўлиб, улар қуйидагилардир:

Биринчи синф (қисм) - Маййитга мансуб бўлган қариндошлар, булар қизнинг фарзандлари, ўғилнинг қизини фарзандлари (ўғил-қиз баробардир).

Иккинчи синф - Маййит уларга мансуб бўлган кишилар, бунга соқит боболар (маййит онасининг отаси, отасини отасининг отаси), соқита момолар (маййит онасининг отасини онаси)

Учинчи синф - маййитнинг ота-онасига мансуб кишилар, бунга сингилларнинг фарзандлари, иниларининг қизлари, она бир иниларининг фарзандлари киради.

Тўртинчи синф - маййитнинг икки бобосига (отанинг отаси, онанинг отаси ва икки момосига мансуб отанинг онаси, онанинг онаси) мансуб кишилар. Бунга аммалар, она бир амакилар, Тоғалар ва холалар дохилдир.

Бу тўрт синф завил-арҳомнинг маййитга яқинроғи яъни, мерос олишдаги даражаси қуйидагичадир:

1. Абу Сулаймон Мухаммад ибн Ҳасандан, у киши Абу Ҳанифадан розияллоҳу анҳу қилган ривоятларида мазкур тўрт синфнинг маййитга яқини ва мерос олишга ҳақлиси иккинчи синф ворислари, кейин биринчи синф ворислари, кейин учинчи, кейин тўртинчи синф ворисларидир.

2. Абу Юсуф ва Ҳасан ибн Зиёднинг Абу Ҳанифадан қилган ривоятларида дастлабки ҳақли ворислар биринчи синф, кейин иккинчи, сунг учинчи, охирида тўртинчи синф ворисларидир. Фатво ҳам шунга берилган. Мазкур сифнлардан қайси бири мавжуд бўлса ўзидан кейингисини ҳажб қиласди.

## **ЗАВИЛ АРҲОМНИНГ МЕРОС ОЛИШИГА ЗАРУР БУЛГАН ШАРТЛАР**

1. Фарз эгаси мавжуд бўлмаслиги, агар фарз эгаси мавжуд бўлса, фарз меросини олгандан кейин қолган молни рад қоидасига кўра олади. Раднинг даражаси завил-арҳомдан олдиндир.

2. Асаба ворис бўлмаслиги, чунки асаба агар ўзи ёлғиз ворис бўлса молнинг барчасини, фарз эгаси билан бирга бўлса ундан қолганини олади.

Агар завил-арҳомнинг қайси синфидан бўлишидан қатъий назар ёлғиз бир ворис қолса, молнинг барчасини олади. Бунда эркак-аёлнинг фарқи йўқ.

## **ЗАВИЛ-АРҲОМ ҲАҚИДАГИ БАҲСНИНГ НИҲОЯСИ**

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган Ҳанафий мазҳабининг йўли аҳлул-қароба ҳозирги кунда кўпгина мусулмон ва араб диёрларида татбиқ қилинади. Мазҳаб имоми Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу ва уларнинг шогирдлари Абу Юсуф, имом Муҳаммаддан бу ҳакда айрим ривоятлар келган. Лекин биз муҳимлари билан чекландик.

***Мавзуга оид таянч сўзлар:*** муваррис, ирс, турос, каробат, никоҳ, вало, ихтилофуд-дин, ихтилофуд-дорайн.

### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Муҳаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сиражия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фиш-шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.

4. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор алад-дуррил-мухтор», Қоҳира, 1966-й.
5. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий, «Ал-Мабсут» Қоҳира, 1900-й.
6. Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тухфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қоҳира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълиил-мухтор», Қоҳира, 1951-й.
9. Бурҳониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қоҳира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

**III-боб**  
**№ МАВЗУ 2**  
**АСАБА ВА УНИНГ ҚИСМЛАРИ**

- а) Асабанинг таърифи
- б) Асабанинг қисмлари
- в) Асаба бин-нафс
- г) Асаба маал-ғайр
- д) Асаба бил-ғайр

Асаба عصبة сўзи луғатда кишининг ота томонидан бўлган қариндошларига айтилади. Асаба деб номланишининг боиси, кишининг ота томонидан бўлган қариндошлари уни атрофида ўраб оладилар, ҳимоя қиладилар.

Бакувват, кучли жамоатга العصبة (усба) дейилади.

﴿... قَالُوا لِئِنْ أَكَلَهُ الَّذِئْبُ وَنَحْنُ عُصْبَةٌ إِنَّا إِذَا لَخَسِرُونَا﴾ - (йосф-14)

«Юсуфнинг акалари айтдилар: Агарда биз бир гурӯҳ бўла туриб, уни бўри еб кетса, унда биз роса зиён кўрувчилар бўлиб қоламизку?! (Юсуф сураси, 14-оят).

Шариат истилоҳида асаба қуидагича таърифланади:

Китоб ва суннатда улуши равshan белгилаб берилмаган ворис асабадир. Масалан, ўғил, ўғилнинг ўғли, туғишган ини, ота бир ини, туғишган амаки. Мазкур ворисларнинг майитга қаработлари ота билан боғлангани учун кучлидир. Фароиз олимлари асабани янада аниқлаштириш мақсадида унга қуидагича таъриф берадилар:

العصبة هو كلّ من يأخذ المال عند الإنفراد ويأخذ الباقى بعد أخذ أصحاب الفروض فرضهم

«Асаба деб ёлғиз ўзи ворис бўлганда барча молни фарз эгалари билан бирга бўлса, улар фарз улушларини олиб бўлгандан сўнг қолган молни оловчи ворис»га айтилади. Бу фароиз олимлари орасидаги энг машхур таърифдир. Муҳаммад ибн Али Раҳобий (577 ҳижрий йилда вафот этган) ўзларининг «Манзуматур-раҳобия» номли меросга оид назмий асарида шундай таъриф беради:

فَكُلَّ مَنْ أَحْرَزَ كُلَّ الْمَالَ \* مِنَ الْقَرَابَاتِ أَوِ الْمَوَالِيِّ  
أَوْ كَانَ مَا يَفْضُلُ بَعْدَ الْفَرْضِ لَهُ \* فَهُوَ أَخُو الْعَصُوبَةِ الْمُفَضِّلَةِ

Маъноси: «Қариндош ёки мавлоларда молни барчасига эга бўладиган ёки фарздан ортгани унга бўлувчи ҳар бир ворис ортиқ кўрилган асабадир».

Носир ибн Муҳаммад Ғомидий «Ал-хулоса фий илмил фароиз» китобида асабани «миқдори белгиланмаган мерос олиш» деб таъриф берган.

Асабанинг мерос олишига Қуръони каримдаги қуйидаги оят далилдир:

وَلَاَبَوِيهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا السُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرَثَهُ أَبُوهُاهُ  
فَلِأُمِّهِ الْثُلُثُ ... ﴿النساء-11﴾

.... Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган меросидан олтидан бир тегур. Энди, агар фарзанд бўлмай, фақат ота-она меросхўр бўлса, у холда онасига учдан бири тегур...

Бу оятда агар маййитнинг фарзанди бўлса ота-онага судус (1/6) берилиши, агар фарзанди бўлмаса онага сулус (1/3) берилиши таъкидланмоқда. Демак, асаба бўлган отага қолган сулусон (2/3) асаба тариқасида берилиши маълум бўлади.

Хадиси шарифда ҳам пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллам марҳамат қиладилар:

أَلْحَقُوا الْفَرَائِضَ بِأَهْلِهَا فَمَا بَقِيَ فَلَأُولَئِنِي رَجُلٌ ذَكَرٌ

«Фарз ҳақларни ўз аҳлига етказинглар, ундан қолганини эса эркак қариндошларгадир, яъни асаба қариндошларгадир» (Бухорий ривояти ).

## **б) Асабанинг қисмлари.**

Асаба иккита асосий қисмга бўлинади:

1. Асаба насибия
2. Асаба сабабия

“Асаба насибия” бу нараб орқали маййитга қариндош бўлган жиҳатларга айтилади. Яъни, бунда ворис асабанинг маййит билан алоқаси, боғланиш нараб биландир.

“Асаба сабабия” деб, озод қилиш сабаби билан ворис асабага айланишга айтилади. Яъни, қул озод қилувчининг озод қилган қули вафот қилса ва унда бошқа ворислари бўлмаса унга қилган эҳсони ва яхшилиги эвазига қулга ворис асаба бўлади.

Асаба насибия меросдаги асаботга асос бўлгани учун уни қисмлари ва ҳар бир қисмининг тафсилотини келтирамиз. Асаба насибия учта асосий қисмга бўлинади:

1. Асаба бин-нафс

2. Асаба бил-ғайр

3. Асаба маол ғайр

в) Асаба бин-нафснинг таърифи: Майитга нисбатланишида ўртада аёл киши бўлмаган эркак ворисга асаба бин-нафс дейилади. Асаба бин-нафснинг маъноси ўзи бевосита асаба бўлган киши деганидир. Бу тур асабанинг тўрт жиҳати бор:

1. جهة البنوة - ўғилнинг жиҳати, бунга майитнинг ўғиллари, ўғлининг ўғиллари ва улардан қуидагилар киради.

2. جهة الأبوة - оталик жиҳати, бу майитнинг отасини, отасининг отасини (жадди саҳих) ва ундан юқоридагиларни ўз ичига олади.

3. جهة الأخوة - ака-укалик жиҳати, бунга туғишган ва ота бир ака-укалар ва уларнинг ўғиллари киради. Бу жиҳат туғишган ака-ука ва ота бир ака-укаларда чекланган. Она бир ака-уалар фарз она воситаси билан боғлангани учун фарз эгалари ҳисобланади.

4. جهة العمومة - амакилик жиҳати, бу туғишган амаки, ота бир амаки ва уларнинг ўғилларини ўз ичига олади.

5. Мазкур тўрт жиҳатнинг даражалари ҳам шу тартибда бўлади. Яъни, ўғиллик жиҳати кейин оталик жиҳати ва ҳаказо.

## Асаба бин-нафснинг ҳукми

Асаба бин-нафснинг тўрт жиҳатидан бири ўзи ёлғиз ворис бўлса барча молни олади, фарз эгалари билан бирга бўлса, улардан қолганини олади. Агар фарз эгаларидан мерос ортмаса асаба бин-нафсга мерос йўқ. Масалан: Бир аёл вафот қилиб унинг эри, туғишган синглиси ва ота бир иниси қолган бўлса бу суратда эрга 1/2 нисф, туғишган сингилга 1/2 нисф, асаба бўлган ота бир инига мерос йўқ.

Агар бир нечта жиҳатдаги асабалар қолган бўлса уларни юқоридаги тартиби бўйича таржих қилинади. Агар асаба бин-нафсни ўзидан бир нечтаси жамланган бўлса, бунда майитга яқинроғини бошқаларидан устун қилинади. Масалан, ўғил билан ўғилнинг ўғли бўлса, ўғилни ворис деб таржих қилинади. Агар дараҷа ва жиҳатда баробар бўлсалар, қаробат қувватига кўра таржих қилинади. Масалан, туғишган қаробати қувватли бўлгани учун таржих қилинади.

Ўғилни отадан олдин қўйилганини сабабини аллома Зайлаий шундай изоҳлайдилар: «Инсон фарзандини отасидан олдин кўради, молу дунёсини жамлаб қолдиради. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам буни қуидагича баён қиласидилар:

الولد مدخلة مجنة

“Фарзанд баҳил қилувчи ва қўрқоқ қилувчиидир” (ибн Можа ва Аҳмад ривояти,) яъни, фарзанд отасининг баҳил бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, ота фарзанди сабабли

душманга қарши туришдан қўрқоқлик қиласди. Шундан фарзанд инсонни қалбидан отадан кўра муқаддамдир. Шунинг учун, фарзанд мерос таҳсимотида отадан илгари қўйилган.

Бу қисм асаба фақат эркаклардан бўлади. Фақат озод қилувчи аёл вило ( қул озод қилиш ) сабабли ўзини озод қилган қулига асаба бўлади.

Асаба бин-нафсга мисоллар:

Бир киши вафот қилиб, уни хотини, отаси, онаси ва ўғлининг ўғли ворис қолган бўлса қуидагича бўлади:

Ворис фаръ борлиги учун сумун	3	хотин	1/8
эркак ворис фаръ бўлгани учун судус	4	ота	1/6
-«-      -«-      -«-	4	она	1/6
фарздан қолганини асаба олади	13	ўғилнинг ўғли	асаба

Масаланинг асли 24 бўлади.

г) Асаба бил-ғайр ва унинг ҳукми

Асаба бил-ғайр деб, бошқани сабаби, воситаси билан мерос олувчига айтилади. Бу қисм асаба аёлларга хосдир. Яъни, мерос олишда ўзини асаба инисига эҳтиёжи бўлган аёлга асаба бил-ғайр дейилади.

Асаба бил-ғайрга аёллардан тўрт нафар ворислар киради:

1. Сулбия қиз (ўз пушти камаридан бўлган қиз)  
Бу ўзини иниси билан асабага айланади.
2. Ўғилнинг қизи. Бу ўзини иниси ёки амакивачча ўғил фарзанд билан асабага айланади.
3. Туғишган сингил. Бу ҳам ўзини иниси билан асабага айланади.
4. Ота бир сингил, бу ҳам ўзини иниси (ота бир ини) билан асабага айланади.

Булар ўзини баробаридаги ворис билан асабага айланиб, бир эркакга икки аёл улуши қоидасига кўра мерос олади.

Асаба бил-ғайрни мерос олиши учун қуйидаги шарт лозим:

Аёл киши фарз эгаси бўлиши, кейин ўзини асаба бўлган иниси билан асабага айланади. Фарз эгаси бўлмаган аёл ўзини иниси билан асабага айланмайди. Яъни, амма ўзини иниси амаки билан асаба бўлмайди. Амаки ўзи асаба бўлиб бошқа фарз эгаси бўлмаса барча молни олади. Аммага ҳеч нарса берилмайди.

Асаба бил-ғайрга мисол:

Бир аёл вафот қилиб, ундан эри, онаси, қизи ва туғишган синглиси қолса қуйидаги тарзда мерос олади:

Масала 12 дан хисобланади.

Ворис	фаръ	борлиги		эр	1/4
-------	------	---------	--	----	-----

учун рубубъ олади	3		
ворис фаръ борлиги учун судус олади	2	она	1/6
асабага айлантирувчи иниси йўқлиги учун нисф олади	6	қиз	1/2
қиз билан асабага айланди		туғишган сингил	асаба

#### д) Асаба маал-ғайр

Асаба маал-ғайр деб бошқа аёл билан асабага айланувчи аёлга айтилади. Бу қисм асаба қизлар билан бир туғишган ёки ота бир сингилларни ўзи бўлиб қолса, уларнинг ўзига хосдир. Яъни, туғишган ёки ота бир сингил қиз ёки ўғилнинг қизи билан асабага айланади. Бу холатни асаба маал-ғайр дейилади.

Фароиз уламолари бунга «сингилларни қизлар билан асабага айлантиринглар» деб айтганлар.

Асаба маал-ғайр мерос олишига имом Бухорий ва бошқалар ривоятлар қилган куйидаги ҳадис далилдир: «Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан бир қиз, ўғилнинг бир қизи ва сингил мероси ҳақида сўралганда, қизга нисф (1/2), сингилга ҳам нисф (1/2) улушдир дедилар. Сўраган кишига эса: «Сен Ибн Масъудга боргин у киши ҳам менга мувофиқ суратда жавоб беради», деб айтдилар. Ибн Масъуддан бу ҳақда сўралганда, бунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳукмлари билан ҳукм қиласман деб: қизга нисф (1/2), учдан иккини комил қилиш учун ўғилнинг қизига судус (1/6)

сингилга эса қолган мол» деб жавоб бердилар. Кейин биз Абу Мусо хузурига бориб, бу ҳақда хабар берганимизда «Орангизда бир буюк олим бор экан, мендан сўраманглар, дедилар.

Асаба маал-ғайрга мисол:

Бир аёл вафот этиб, уни эри, ўғлининг қизи, иккита туғишган синглиси ва ота бир иниси қолган бўлса қуидаги суратда мерос тақсимланади:

Ворис фаръ борлиги учун рубувъ олади	1	эр	1/4
ўғилнинг қизига фарз мерос нисф		ўғилнинг қизи	1/2
асабага маал-ғойр бўлгани учун рубувъ		туғишган икки сингил	1/4
икки сингил билан маҳжуబ		ота бир ини	маҳжу б

**a) Қуръони каримда зикр қилиниб, миқдори белгиланган фарзлар олтиладир.**

Улар: қуидагилардир:

1. 1/2 нисф – ярим улуш, насиба
2. 1/4 рубувъ – тўртдан бир улуш, насиба
3. 1/8 сумун – саккиздан бир улуш, насиба
4. 2/3 сулусон – учдан икки улуш, насиба
5. 1/3 сулус – учдан бир улуш, насиба
6. 1/6 судус – олтидан бир улуш, насиба

Энди мазкур насиба миқдорларига ҳақли бўлган ворисларни зикр қилиб ўтсак.

Аввало 1/2 нисфга бешта ворис ҳақли бўлиб, улардан бири эркаклардан тўрттаси аёллардандир:

1. Эр
2. Киз
3. Ўғилнинг қизи
4. Туғишган сингил
5. Ота бир сингил

Буларнинг ҳар бирига мерос олиши учун белгиланган шартлари борки, уларни ўз ўрнида зикр қилинади.

2. 1/4 – рубувъ мустаҳиқ ворислар иккитадир. Улар эр ва хотин. Агар хотин вафот этиб, ундан фарзанд қолган бўлса эри тўртдан бир олади. Эр вафот этиб, ундан фарзанди бўлмаса хотини 1/4 рубувъ олади. Бунда битта ёки иккита .... хотиннинг мерос миқдори ўша 1/4 дир.

3. 1/8 сумун мерос миқдорига эр вафот қилиб ундан фарзанд қолган бўлса, аёли 1/8 сумун олади.

4. 2/3 сулусон. Бу улуш миқдори тўрт гурух ворислар насибаси бўлиб, уларнинг барчаси аёллардир:

- а) Икки ва ундан аксар бўлган сулбий қизлар
- б) Ўғилнинг икки ва ундан кўпроқ қизлари
- в) Икки ва ундан кўпроқ туғишган сингиллар
- г) Икки ва ундан кўпроқ ота бир сингиллар

Буларни мерос олиши учун ҳам бир неча шартлари мавжудки, уларни ўз ўрнида зикр қилинади.

5. 1/3 сулус. Бу икки хил ворисларни мероси бўлиб, улар қуйидагилардир:

а) Она – агар маййитда фарзанди ёки ўғилнинг фарзанди бўлмаса, судус олади.

б) Икки ва ундан кўпроқ бўлган она бир ака-ука, опасингиллар, агар маййитнинг асли ва фаръи бўлмаса судус олади.

6. 1/6 судус, бу миқдорни мустаҳиклари етти гурух бўлиб, улар қуидагилардир:

а) Ота, агар маййитнинг фарзанди бўлса ота судус мерос олади.

б) Жадди саҳих – ота бўлмасдан, маййитнинг фарзанди бўлса, бобо судус олади.

в) Она – агар маййитнинг фарзанди, ака-ука, опасингиллари бўлса, она судус олади.

г) Ўғилнинг қизи – агар маййитнинг битта қизи бўлса, у қиз нисф олади, ўғилнинг битта ва ундан кўпроқ қизлари судус олади. Бунда аёлларнинг 2/3 сулусон миқдорини тўлдириш учун ўғилнинг қизларига судус берилади.

д) Ота бир сингил – агар маййитнинг биттагина туғишган синглиси бўлса, ота бир сингиллар судус олади.

е) Она бир ини ёки сингил – она бир ини агар маййитнинг асли ва фаръи бўлмаса, судус олади.

ж) Жадда саҳиха – она бўлмаганда жадда саҳиха (онанинг онаси, отанинг онаси) судус мерос олади.

## **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Мұхаммад Анвар Бадаҳшоний, «Тавзихул-фароиз ас-Сирожия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Мұхаммад Али Собуний, «Ал-маворис фи шариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Мұхаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз», Макка Мұкаррама, 1996-й.
4. Мұхаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мұхтор алад-дуррил-мұхтор», Қохира, 1966-й.
5. Мұхаммад ибн Аҳмад Саражсий, «Ал-Мабсүт» Қохира, 1900-й.
6. Алоуддин Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бақр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадоиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қохира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълиил-мұхтор», Қохира, 1951-й.
9. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мұбтадий», Қохира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

**ІІІ-БОБ**  
**З-МАВЗУ:**  
**ҲОМИЛА, МУРТАД, АСИР ВА**  
**БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАННИ МЕРОСИ**

- а) Ҳомиланинг мероси
- б) Муртаднинг мероси
- в) Асир ва мафқуднинг мероси
- г) Ғарқ бўлган, оловда куйган, том босганинг мероси

**ҲОМИЛАНИНГ МЕРОСИ**

Ҳамл сўзи луғатда кўтармоқ маъносида келади. Истилоҳда эса, онанинг қорнидаги ўғил ёки қиз фарзандга ҳамл ёки ҳомила дейилади.

Биз мероснинг шартларида бир ворис мерос олиши учун муваррис вафот қилган пайтда ворис тирик бўлиши керак деб айтиб ўтдик. Онанинг қорнидаги ҳомила тирик ёки ўлик, ўғил ёки қиз, битта ёки бир нечталиги маълум бўлмагани учун меросни охиригача тақсимлаш мумкин бўлмайди. Зоро, ҳомила ҳам ворис ҳисобланиб, туғилганидан кейин мерос олади. Шунинг учун бошқа ворисларга зарар бўлмаслигини кўзлаб, бу ҳолда меросни бошланғич тақсимлаб қўйилади. Сўнгра бола туғилгач, уни аҳволига қараб, ниҳойй тақсимот бўлади. Бошланғич тақсимда ҳомилани манфаатини кўзлаб, имкони борича эҳтиёт чорасини кўрилади.

Ҳомила мерос олиши учун иккита шарти бор:

1. Муваррис вафот этган вактда онасининг қорнида хақиқатда мавжуд бўлиши;

2. Онанинг қорнидан тирик ҳолда туғилиши.

Биринчи шарт онанинг қорнидан икки йил ёки ундан озроқ муддатда тирик туғилиши билан амалга ошади. Ҳанафий ва Ҳанбалий мазҳабига кўра ҳомила онанинг қорнида икки йилдан ортиқ турмайди. Шофеъий ва Моликий мазҳабига кўра эса, ҳомила она қорнида тўрт йилгача туриши мумкин.

Абу Ҳанифа қўйидаги далилни келтирадилар:

Имом Байҳақий Оиша розияллоҳу анҳу онамиздан ривоят қилган ҳадисда у киши «Бола онанинг раҳмида икки йилдан ортиқ турмайди» деб айтганлар. Бу қиёсий йўл билан билинмайди, балки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам дан эшитиб ўрганилади.

Ҳомиланинг энг оз муддати эса бил-иттифоқ олти ойдир.

Иккинчи шарт эса, бола тирик туғилиб, кейин унда барқарор ҳаёт мавжуд бўлса амалга ошади. Тирик туғилганини йиғлаши, акса уриши ёки онасини эмиши билан билинади. Бизнинг мазҳабимизга кўра озгина ҳаракат кифоя қиласи. Бунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Бола овоз чиқариб йиғласа унга жаноза ўғилади ва мерос олади» деган сўzlари асосдир. Аммо ўлик туғилса ёки тирик туғилсаю, барқарор ҳаёт унда давом этмаса унга мерос берилмайди.

## ЖАНИН (эмбрион)НИНГ БЕШТА ҲОЛАТИ

Жанин мерос олишида беш ҳолатдан бирида бўлади:

1. Умуман ворис бўлмаслиги, масалан, бир киши вафот этиб, уни аёли, отаси, бошқа отадан ҳомиладор онаси қолса, кейин у бола туғилса она бир ини ота билан маҳжуб бўлгани учун умуман мерос олмайди. Бунда тариқа аёлига рубувъ ( $1/4$ ), онага қолган молни сулуси ( $1/3$ ), қолгани отага тақсим қилинади.

2. Ўғил ёки қизлигига кўра мерос олмаслиги, маййитнинг аёли, амакиси ва туғишган инисининг ҳомиладор хотини қолган бўлса, маййитнинг аёлига рубувъ ( $1/4$ ) берилиб, қолган  $3/4$  қисми то жанин туғилгунга қадар тўхтатиб турилади. Агар ўғил бола туғилса қолган молни ҳаммасини олади. Чунки у туғишган инининг ўғли бўлгани учун амакидан олдин туради. Агар қиз туғилса унга ҳеч нарса берилмайди, қолган мол амакига берилади. Чунки, амаки асаба, бу қиз эса завил арҳомдир.

3. Барча ҳолатларда ворис бўлиши, бунда ўғил-қизнинг фарқи йўқ. Маййитнинг ҳомиладор аёли, ота-онаси қолса бунда ҳомилани ўғил деб фараз қилинса, хотинига сумун ( $1/8$ ), отага судус ( $1/6$ ), онага судус  $1/6$ , қолгани яна ўғилга асаба сифатида берилади. Бунда масала 24 дан тақсимланади. Ота-онага 8, хотинга 3, жанинга 13 ҳисса берилади. Агар ҳомилани қиз деб фараз қилинса, бунда ҳам масала 24 дан бўлади, хотинга сумун ( $1/8=3$ , онага судус  $1/6=4$ , қизга  $1/2=12$ ,

қолган беш (5) ҳисса отага фарз эгаси ва асабалиги учун берилади.

4. Киз ёки ўғиллигига қараб мероси фарқ қиласлиги. Майитнинг туғиши сингглиси, ота бир синглиси ва бошқа отадан ҳомиладор онаси қолса, бунда масала 6 дан бўлиб онага судус (1/6), туғиши сингилга нисф (1/2), ота бир сингилга судус (1/6), ҳомила ўғил-қизлигидан қатъий назар унга судус (1/6) берилади.

5. У билан бирга умуман бошқа ворис бўлмаслиги ёки у билан бирга ворис бўлсада, у маҳжуб бўлиши.

6. Майитнинг ўғлини ҳомиладор аёли қолган бўлса, (яъни, келини) агар ўғил туғса, майитни фаръи бўлгани учун она бир инини ҳажб қилиб, ҳамма молни олади. Агар қиз туғилса, қиз фаръи бўлгани учун нисфни фарз сифатида олади, қолганини асабалар олади. Агар асабалар бўлмаса қолганини рад қоидасига кўра қизга берилади.

## **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Муҳаммад Анвар Бадахшоний, «Тавзихул-фароиз ас-сирожия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фишшариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
4. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул муҳтор аладдуррил-муҳтор», Коҳира, 1966-й.

5. Мұхаммад ибн Аҳмад Сарайсий, «Ал-Мабсүт» Қохира, 1900-й.
6. Алоуддин Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қохира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълиил-мухтор», Қохира, 1951-й.
9. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қохира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Дехли, 1860-й.

## МАФҚУД (БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН КИШИ) НИНГ МЕРОСИ

Мафқуд луғатда йўқолган, зое бўлган маъносида келади. Гоҳида талаб қилмоқ, қидирмоқ маъноларида ҳам қўлланилади.

Истилоҳда эса, тирик ёки ўликлиги маълум бўлмаган, асари махфий бўлиб, хабари кесилган ғоибга мафқуд дейилади.

Мафқуднинг ҳукми: Мафқуд ўзини молида тирик ҳисобланади, яъни ундан бирор мерос олмайди, уни аёли бошқа эрга чиқмайди. Аммо бошқани моли масалсида эса ўлган ҳисобланади, яъни, бирордан мерос олмайди. Бошқани молидан унга етадиган улуши ва ундан бирорга тегадиган улушлар то унинг ахволи маълум бўлгунча тўхтатиб турилади.

Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу мафқуднинг аёли ҳақида, «У мубтало бўлган аёлдир, то эрини ҳақиқатда ўлим хабари келмагунча турмушга чиқмасин, сабр қилсин» деган сўзлари далилдир.

Бедарак йўқолган кишини ўлган деб ҳукм қилинадиган муддат ҳақида уламолар қуидаги мазҳабларга бўлинганлар:

1. Ҳанафийларга кўра бедарак йўқолган кишини тенгқурлари вафот қилиб тугаса, уни ўлган деб ҳукм қилинади. Абу Ҳанифадан буни 90 йил деган ривоят ворид бўлган.

2. Моликийларга кўра эса, бу 70 йилдир. Ҳадисда пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мени умматимнинг умрлари 60 билан 70 орасидадир» деганлар. Агар киши Ислом диёрида йўқолган бўлса, уни аёли қозига мурожаат қиласди. Қози имкони борича уни турли воситалар билан излайди. Агар топилмаса қози бир муддат, яъни тўрт йил белгилайди. Бу муддат ичида топилмаса аёл вафот иддаси (тўрт ойу, ўн кун) саклаб, бошқа эрга тегаверади.

3. Шофеийлар наздида тўқсон йилдир. Зоро, бунда ўша шаҳардаги тенгқурлари вафот этади. Имом Шофеий ўзлари буни муайян муддатга боғламаганлар. Балки, қози ижтиход қилиб, маълум муддатни белгилайди. Муддат ўтиши билан ўша ўлган деб ҳукм қилинади.

4. Ҳанбалийларга кўра эса, бедарак йўқолган кишининг иши қозига ҳавола қилинади. Қозининг ижтиҳоди ва баҳси қайси нарсага тўхтаса, уни ўлган ёки тирик деб ҳукм қилинади. Ҳанафий мазҳаб уламоларидан имом Зайлайӣ ҳам шуни ихтиёр қилганлар. Кўпчилик буни маъқуллаган. Зоро, бу фикҳга лойик ва маслаҳатга мувофиқдир.

## **(МАФҚУД) БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН КИШИНИНГ МЕРОС ОЛИШИ**

Мафқуд мерос олишида икки ҳолат мавжуд:

1. Ўзи билан бирга бўлган ворисларни ҳажб ҳирмон қилиш

2. Бошқаларни ҳажб қилмасдан, уларга меросда шерик бўлиши.

Биринчи ҳолатга мисол: Бир киши вафот этиб, ундан туғишган ини, туғишган сингил ва бир бедарак йўқолган ўғил ворис бўлса, агар ўғил тирик бўлса ини ва сингилни ҳажб хирмон қиласди. Яъни, улар умуман мерос олмайди. Шунинг учун то ўғилни ахволи маълум бўлгунча мерос тақсимоти тўхтатиб турилади. Ўғил тирик бўлса барча молни олади, агар қози уни ўлган деб ҳукм қиласа, бошқа ворисларга улушлари баробарида мерос тақсим қилинади.

Иккинчи ҳолатга мисол: Бир киши вафот қилиб, унинг аёли, онаси, ота бир иниси ва бедарак кетган туғишган иниси қолган бўлса, аёлга ( $1/4$ ) рубуъ, онага  $1/6$  судус, то мавқудни ҳолати маълум бўлгунча қолган мол тўхтатиб турилади. Ота бир инига ҳеч нарса берилмайди.

## МУРТАДНИНГ МЕРОСИ

Муртад луғатда қайтувчи маъносидадир. Уламолар истилоҳида эса, ислом динидан чиққан кишига айтилади.

Муртад диндан қайтган ҳолида ўлса ёки муртадлиги учун қатл қилинса ёки куфр диёрига қочиб кетса, уни мероси хақида уламолар уч хил йўл тутганлар:

1. Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу: муртад бўлмасдан олдин, мусулмонлик ҳолида касб қилган нарсалари ворислари орасида тақсимланади. Муртадлик ҳолида топгани байтулмолга топширилади, деганлар.

2. Абу Юсуф ва имом Мұхаммад назларида эса, барча моли ворисларига тақсимланади.

3. Имом Шофеий, Молик ва Аҳмад розияллоҳу анхуга кўра эса, барча молу мулки байтул молга топширилади.

Аммо, назларида муртад муртад аёлнинг барча молу мулки ворисларигадир.

Қолган уч имом назларида муртад эркак ва аёлни фарқи йўқ.

## **АСИРНИНГ МЕРОСИ**

Коғирлар қўлида маҳбус бўлган мусулмонни асир дейилади.

Уни мерос олиш хукми: У бошқа мусулмонлар каби мерос олади ва мерос қолдиради. Шунингдек, уни аёли ундан талоқ бўлмайди.

Агар асирик пайтида диндан қайтса (Аллоҳ арасин) у муртад ҳукмидадир. Агар ўлик-тирклиги ёки диндан қайтган-қайтмагани маълум бўлмаса, у мағқуд ҳукмидадир.

## **СУВДА ЧЎККАН, ТОМ БОСИБ ҚОЛГАН ВА ЁНИБ КЕТГАНЛАР МЕРОСИ**

Бир гуруҳ ворислар денгизда баробар ғарқ бўлса ёки ҳаммаси ёнқинда ёниб кетса ёки том ёки девор босиб барчаси вафот этса, уларни қайси бири олдин ўлгани маълум бўлмаса, уларни барчасини teng ўлган деб ҳукм қилинади. Уларни молу мулки тирик ворисларига ўтади, чунки ўлганлар бир-

биридан мерос олмайди. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг йўллари ҳам шудир.

Имом Раҳабий машхур «Манзум»ларида буни шундай ифода қиласидилар:

وَإِنْ يَمْتَزِّئُ قَوْمٌ بِهِدْمٍ إِوْ غَرْقٍ \* أَوْ حَادَثَ عَمَّ الْجَمِيعِ كَالْحَرْقِ  
وَلَمْ يَكُنْ يَعْلَمْ حَالَ السَّابِقِ \* فَلَا تَورَثُ زَاهِقًا مِنْ زَاهِقٍ  
وَعَدَّهُمْ كَأَنَّهُمْ أَجَانِبُ \* فَهَكَذَا الْقَوْلُ السَّدِيدُ الصَّابِبُ

маъноси: «Агар ўлса бирор қавм ҳадм ёки ғарқ ила,  
Ёки барчани ом қилувчи ёнғин каби офат ила.  
Гар кай бири аввал ўлгани маълум бўлмаса,  
Сен йўқ кишидан йўқ кишига меросин бермагин .  
Уларни бегоналар деб санагин  
Тўғри сўз ҳам тўғриси ҳам билсанг шудир.

### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Муҳаммад Анвар Бадахшоний, «Тавзиҳул-фароиз ас-сиюжия». Мадина Мунаввара, 1992-й.
2. Муҳаммад Али Собуний, «Ал-маворис фишишариатил-исломия», Лубнон
3. Носир ибн Муҳаммад Ғомидий, «ал-Хулоса фи илмил-фароиз» , Макка Мукаррама, 1996-й.
4. Муҳаммад Амин ибн Обидин, «Раддул мухтор аладуррил-мухтор», Коҳира, 1966-й.

5. Мұхаммад ибн Аҳмад Сарайсий, «Ал-Мабсүт» Қохира, 1900-й.
6. Алоуддин Мұхаммад ибн Аҳмад Самарқандий, «Тұхфатул-фуқаҳо», Дамашқ, 1956-й.
7. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний, «Бадиус-саноиъ фи тартибиш-шароиъ», Қохира, 1910-й.
8. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Мадуд-дин ал-Мавсилий, «ал-Ихтиёр литаълиил-мухтор», Қохира, 1951-й.
9. Бурхониддин ал-Марғиноний, «ал-Ҳидоя шарҳ Бидоятил-мубтадий», Қохира. 1996-й.
10. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Алий ар-Раҳабий, «ал-Фароиз ар-Раҳабия», Дамашқ, 1903-й.
11. Сирожуддин Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандий», «ал-Фароиз ас-Сирожия», Декли, 1860-й.

قَتَّ بِعُونِ اللَّهِ تَعَالَى